

Муҳаммад Ҳошим Камолӣ

**ШАРИАТ ВА Ҳалол
САНОАТДА Ҳалол ВА
Ҳаром ПАРАМЕТРЛАРИ**



ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 23-СЕРИЯСИ

ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 23-СЕРИЯСИ

ШАРИАТ ВА ҲАЛОЛ
САНОАТДА ҲАЛОЛ ВА
ҲАРОМ ПАРАМЕТРЛАРИ

Муҳаммад Ҳошим Камолий



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2023

УДК 297
ББК 86.38-6
М 92

Китоб ҳомийси:
Халқаро ислом тафаккури институти
Херндон Виржиния
Билимлар интеграцияси институти
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Муҳаммад Ҳошим Камолӣ
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Матеев Фарҳад: – Б.: 2023
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган № 252

Шариатда ва ҳалол саноатда ҳалол ва ҳаром параметрлари (Uzbek)

Муҳаммад Ҳошим Камолӣ

ИИТ «Даврий бўлмаган нашрларнинг 23-серияси»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1445 АН / 2023 СЕ
Paperback ISBN 978-9967-493-70-4

The Parameters of Halal and Haram in Shariah and the Halal Industry (Uzbek)

Mohammad Hashim Kamali

ИИТ «Occasional papers series 23»

© The International Institute of Islamic Thought (IIIT)
1434 АН / 2013 СЕ
Paperback ISBN 978-1-56564-555-4
ИИТ
P.O. Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
ISBN 978-9967-493-70-4

УДК 297
ББК 86.38-6

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	v
Кириш	1
Ҳалол ва Харом	2
Рухсат этилган тушунчалар	2
<i>Ҳалол ва таййиб</i>	6
Дастлабки поклик тамойиллари (Таҳорат)	11
Таъқиқланган (<i>ҳаром</i>)	15
Ҳаром асослари	18
Ҳаром, доимлик ва ўзгариш: <i>истиҳалаҳ</i> (модданинг ўзгариши) асоси	20
<i>Макруҳ</i>	24
Тавсия этилган (<i>мандуб</i>)	29
Кулранг майдонлар: шубҳали масалалар (Ал-шубухат, <i>машбуҳ</i> , <i>машкук</i>)	30
Озиқ қувватини кучайтирувчилар ва қўшимчалар	33
Машбуҳ ингредиентлар ва Қўшимчалар	35
Таъқиқланиши мумкин бўлган таркиб ва Қўшимчалар	38
Тўғри сўйиш жараёни ва унга қўйиладиган талаблар	40
Урф-одатнинг ўрни	43
Гўшт, денгиз маҳсулотлари ва сут маҳсулотлари	44
Малайзияда <i>ҳалол</i> саноат	46
Ислом ва фан	50
Хулоса ва тавсиялар	52
ИЗОҲЛАР	56

МУҚАДДИМА

Халқаро ислом тафаккури институти (ИИИТ) ва Малайзия Халқаро илғор Ислом тадқиқотлари Институти (ИАИС) биргаликда таниқли олим, Ислом ҳуқуқи ва фикҳ бўйича мутахассис Муҳаммад Ҳошим Камолийнинг “*Шариатда ва ҳалол саноатда ҳалол ва ҳаром параметрлари*” Даврий бўлмаган нашрларнинг 23-серияси тақдим этишдан мамнун. Муаллиф шариат мавзусидаги турли китобларни чоп этган. Унинг қатор китоблари, жумладан, “*Ислом фикҳи асослари*”; “*Шариат ҳуқуқи: Кириш*” ва “*Ҳадисишунослик*” дарсликлари бутун дунё бўйлаб инглиз тилида сўзлашувчи университетларда маълумотнома сифатида қўлланилмоқда.

Ҳалол ва ҳаром мавзуси, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари мусулмонлар учун марказий аҳамиятга эга бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларининг ахлоқий жиҳатлар, хавфсизлик ва тозалик, ҳайвонларнинг бўлган тўғри ёндашув тобора кучайиб бормоқда. Лекин, ҳалол саноат фақатгина гўшт масаласидан иборат эмас. *Ҳалоллик* масаласи мусулмонлар ҳаётининг кўп соҳаларига тааллуқлидир. Саноат талаб ва таклифнинг бозор воқелигидан келиб чиққанлиги сабабли Ислом тамойилларини яхшироқ тушуниш жуда муҳимдир. Масалан, *рибодан* қочиб, сармоя киритмоқчи бўлганлар учун банк фоизлари масаласи қанчалик йўлдан адаштирган бўлса, кўшимчалар масаласи ҳам озиқ-овқат истеъмолида жиддий чалкашликларга сабаб бўлди. Ажабланарли жойи йўқки, *ҳалол* нимадан иборат эканлиги ҳақидаги тасаввурлар маданият ва минтакалар, шунингдек, Ислом ҳуқуқининг турли мактаблари тарафдорлари орасида фарқ қилади. Саволни атрофлича ўрганар экан, Камолий Қуръонга мурожаат қилиб, *ҳалол* ва *ҳаромнинг* асосий тамойилларини тушунтиради ва унинг татбиқ этилиши билан боғлиқ асосий масалаларни муҳокама қилади, мавзуга доир муҳим тушунчалар беради ва бугунги кун-

да мусулмонлар олдида турган кўплаб нотўғри тушунчаларга оқилона ёндашади. Шунингдек, *ҳалол* саноати операторлари учун амалий маслаҳатлар беради ва *ҳалол* стандартларида бир хилликни оширишга интилади ва буни тарғиб қилиш учун бир қатор кўрсатмаларни таклиф қилади.

Саналар Ислом тақвими (Ҳижрий) асосида кўрсатилганида АХ қисқартмаси орқали, Григорий тақвими билан шарҳланганда эса СЕ белгиси орқали ифодаланган. Арабча сўзлар умумий қўлланишга кирганлардан ташқари курсив билан ёзилади. Диакритик белгилар қўлланилмайдиган арабча номларга қўшилган.

1981-йилда ташкил этилган ИИИТ Исломий қарашлар, кадриятлар ва тамойилларга асосланган жиддий илмий саъй-ҳаракатларни енгиллаштириш учун асосий марказ бўлиб хизмат қилди. Институтнинг тадқиқот дастурлари, семинарлар ва конференциялар сўнгги ўттиз йил давомида инглиз ва араб тилларида тўрт юздан ортиқ китоблар нашр этилишига олиб келди, уларнинг аксарияти бошқа йирик тилларга таржима қилинган.

2008-йилда Куала-Лумпурда ташкил этилган, Халқаро илғор Ислом тадқиқотлари институти (ИАИС) Малайзия мустақил тадқиқот институти бўлиб, Ислом ва замонавий масалалар бўйича амалий сиёсат билан боғлиқ бўлган объектив академик тадқиқотларга бағишланган. Жуда қисқа вақт ичида ИАИС Малайзия, мусулмон дунёси ва исломнинг бошқа цивилизациялар билан алоқаси ҳақидаги семинарлар ва нашрлар билан шуғулланадиган динамик жамоат форумига айланди. ИАИС Малайзия ҳар чоракда бир марта халқаро экспертизадан ўтказиладиган "*Ислом ва цивилизациянинг янгиланиши*" (ИСР) журналини, икки ойда бир марта ИАИС бюллетени ҳамда Ислом ва замонавий масалалар, китоблар, монографиялар ва вақти-вақти билан қоғозлар сериясини нашр этади. Ўтган беш йил давомида у Ислом ва мусулмон оламини қизиқтирган кенг қўламли мавзуларда 150 га яқин тадбир, семинар, давра суҳбатлари, миллий ва халқаро конференциялар ўтказди. ИАИС Малайзия фаолия-

ти ва нашрлари ҳақида батафсил маълумотни www.иаис.орг.мй сайтида топишингиз мумкин. Профессор Камолининг шахсий сайти www.ҳашимкамали.ком.

ИИИТ ЛОНДОН ВА ИАИС МАЛАЙЗИЯ, КУАЛА ЛУМПУР

АВГУСТ, 2013

КИРИШ

Шуни айтиш жоизки, *ҳалол* саноат ўзининг эрта боскичида бўлишига қарамасдан, сезиларли даражада ривожланмоқда. Иқтисодий феномен сифатида эса XII асрнинг биринчи ўн йиллигида пайдо бўлган саноатнинг бу тури озиқ-овқатнинг хавфсизлиги, тозаллиги ҳамда иқтисодий адолатга бўлган қаттиқ талаблари туфайли жадал суратларда тараққий этмоқда. Илк йиллардаёқ, Ислом банки билан ҳамкорликда қилинган саъй-ҳаракатлари ўлароқ, *ҳалол* иқтисодиёти бозор талаблари ва ҳақиқатларига мослашди. Шунинг учун ҳам, бозор иштирокчилари ва мутахассисларининг талаб, таклифларни инобатга олган ҳолда, ўзларининг тажрибаларини, Ислом асослари ва унинг илмий ёндашуви билан уйғунлаштиришга интилишмоқда. Китоб *ҳалол* ва *ҳаромнинг* Куръон, ҳадис ва фикҳдаги шарҳи билан бошланиб, *ҳалол* тушунчасининг асосий қоидаларини ёритади, *ҳаромга* муурожаат этиб, унга мос равишда *макруҳ* ва *мандуб* тушунчаларини ҳам кенг ёритади. Ушбу тўпلام юқоридаги тушунчаларнинг амалиётдаги қиймати, Ислом ва фан орасидаги боғлиқликни ёритишга бағишланиб, тозаллик ва покликнинг (*таҳорат*) асосий тамойиллари, *ҳаромнинг* кимёвий бирикмалар орқали *ҳалолга* ўзгариши каби мураккаб мавзуларни ҳам ўз ичига олган.

Бўлимлардан бири *ҳалол* ва *ҳаромнинг* орасида қолган, саҳиҳ далиллар билан тартибга солилмаган, иккилантирувчи тушунча бўлган *машбуҳатга* ҳам алоҳида тўхталган. Озиқ-овқат қўшимчалари, ундаги маҳсулотларни қайта ишлаш ва таъминотидаги занжир, шу билан бир қаторда эса, машбуҳатнинг муаммоси саналган озиқ-овқат турларининг янги оқими, уларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва тобора кўпайиб бораётган шубҳалар китобнинг муҳокамаси остига киритилган.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Мусулмон ҳуқуқшунослари *ҳалол* ва *ҳаром* ҳақидаги манбалар асосида исботланган далилларни муҳокама қилишган ҳамда сўйиш жараёнидаги асосий кўрсатмалар билан бир қаторда, парҳез моддаларни тартибга солувчи кўрсатмаларни ҳам тузиб чиқишган.

Шариат овқатланиш рационидagi *ҳаром* саналган моддаларни батафсил кўрсатиб берди, аммо, номи билан эмас, махсус кўрсаткичлари билан ҳам шубҳадан бутунлай ҳоли бўлмаган озиқ-овқат ва ичимликларда ҳалолликни аниқлаш учун ўзгача ёндашувни қўлади. Натижада эса шубҳанинг кулранг томонлари пайдо бўлди. Мавжуд фикҳ қўлланмалари деярли барча ҳайвон, қуш, ҳашарот ҳамда денгиз ҳайвон турлари учун зарур бўлган маълумотларни баён этади. Шунга қарамай, бугунги кунда, бозор маҳсулотлари турининг жадал равишда ортиши, фан ва технологиядаги янги ўзгаришлар сингари овқатланишда фикҳнинг аҳамиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу эса ўз навбатида, шариатнинг истиқболи учун парҳез моддалар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг тузилиши ва таркибини кўриб чиқишни талаб қиладиган доимий тадқиқотларнинг керак эканлигини англатади.

РУҲСАТ ЭТИЛГАН ТУШУНЧАЛАР (ҲАЛОЛ, ШУНИНГДЕК, МУБОҲ, ЖОИЗ)

Ушбу сарлавҳада пайдо бўлган учта арабча сўздан *ҳалол* ва унинг деривативлари Қуръон ва ҳадисда тез-тез такрорланиб туради, аксинча, *Мубоҳ* ва *Жоиз* ¹ эса фикҳ адабиёти таянадиган тушунчалар ҳисобланади. *Ҳалол* атамаси объект ёки ҳатти-ҳаракат сифатида изоҳланиб, ҳар бир шахс учун танлаш эркинлигини беради. Унинг бажарилиши учун мукофот ёки жазо тайинланмайди. *Ҳалол* Шариатдаги аниқ далиллар ёки презумпцияга (*ибаҳаҳ*) мурожаат қилиш орқали аниқланган. Ислом ҳуқуқшунослигига маълум бўлган бешта қадрият, ху-

сусан, мажбурият, тавсия этилганлик, жоизлик, қораланганлик (мос равишда *Вожиб*, *Мандуб*, *Мубоҳ*, *Макруҳ*, *Ҳаром*) ўз навбатида, Қуръонда ёки ҳадисда бу тартибда учрамайди. Шу ўринда, Қуръон *ҳалол* ёки унинг ҳосилаларини тўғридан-тўғри келтириб ўтиши, аксинча, “гуноҳ йўқ”, “жавобгарлик йўқ”, “Аллоҳ хатти-ҳаракатларингиз учун жавобгар эмас” каби жоизликни англаувчи даъволарни қўллаши мумкин. *Макруҳ* ва *Мандуб* терминлари ҳам, ўзига тенг бўлган иборалар билан алмашина олади.²

Манбаларда ўқиганимизда “Аллоҳ хуш кўрмайди” ва шу сингари бошқа иборалар қўлланганини, баъзи ҳаракатлар эса “жирканчлилик”, “ёқтирмаслик”, “нотўғри англаш” каби сўзлар билан ифодаланишини, ўз ўрнида улар ҳам, *макруҳ* ҳамда унга зид бўлган мандубни англатишини билиб олишимиз зарур. *Ҳалол* борасидаги кўрсатмалар ҳар бир шахс, унинг танловига ноўрин чекловлар қўйилишига қарши бўлгани учун ҳам, тақиқ доираси нафақат инсон истакларидан, балки йўриқномалардан ҳам ташқарига чиқмаслигини тақлиф этади. Рухсат этилган, яъни *ҳалол*, таъқиқланмаган моддий ва маънавий заруриятлар учун ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмаган. Бу ҳақида Қуръон китобида шундай дейилган: “Эй (Аллоҳ ва Расулига) ишонган мўминлар! Намозга турмоқчи бўлганингизда юзингизни ва қўлларингизни тирсақларига қўшиб ювинглар. Бошингиз [13] ва оёқларингизни тўпиқларигача масх қилинглари [14]. Агар жунуб [15] бўлсангиз яхшилаб ювининглар. Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз, ёхуд сизлардан бирор киши ҳожатдан келса, [16] ёки аёлларингиз билан бир ерда бўлиб сув топа олмасангиз, [17] у ҳолда покланиш нияти билан кафтингизни тоза тупроққа уриб, у билан юзларингиз ва қўлларингизни силанглар. [18] Аллоҳ сизларга қийинлаштиришни хоҳламайди, лекин, сизларни поклашни ва сизларга неъматини тамомлаб беришни хоҳлайди. Зора вазифаларингизни адо этгайсиз!” (*Моид*а сураси, 5:6)

Ҳалоллик борасидаги бу қарашлар Ислом ҳуқуқшуносларини ягона, барча қоидаларни умумлаштирувчи йўриқнома ишлаб чиқаришга ундади ва бу китоб ҳуқуқий тамойилга айланди. Масалан:

“Рухсат этилганлик (*ибаҳаҳ*) – тақиққа учрамаган барча нарсаларнинг асосий меъёри ҳисобланади”.³ Бирор нарсанинг рухсат этилганлигини аниқлаш, барча учун яққол бўла олган далилни келтириш билан исботланади. Агар озиқ-овқат ва ҳайвон гўштининг ҳаромлигини исботлаб берувчи яққол белги бўлмаса, улар покиза ва *ҳалол* ҳисобланади. Бунинг учун шарият томонидан ҳеч қандай исбот талаб этилмайди. Ибаҳаҳ (рухсат этилганлик) *ҳалол* ёки *ҳаром* деб юритиладиган нарсаларни ўз ичига олади. Ибаҳаҳ тавсия этилганлик ёки қораланганлик каби даражалар билан тавсифланган. Бу икки даражалар шундай маслаҳатдан иборат бўлганки, унга ҳеч бир шахс томонидан аралашилмаган ва амал қилинмаган. Шунинг учун, зоҳирий олим Ибн-Ҳазм юқорида келтирилган Қийматнинг Беш Мезонини учтага, яъни тавсия, қораланганлик ва жоизликка қисқартирди, тавсия этилганлик ва қораланганлик мезонларини эса, *мубаҳ* деб атади.

Мусулмон ҳуқуқшунослари ҳам рухсат этилганлик презумпциясини *ҳақиқийлик* ва маъно жиҳатидан яроқсиз эканлиги сабабли рад қилишган, чунки *ҳаромни* носоҳиҳ ҳадислар ёки таснифи тўлиқ келтирилмаган баъзи Куръон оятлари орқали белгилаб бўлмайди.⁴ Мусулмон ҳуқуқшунослари таъкидлаган ибаҳаҳнинг икки асосий масаласидан бири *ибодат* бўлса, иккинчиси никоҳсиз бўлган жинсий алоқадир.

Бу ердаги асосий презумпция шундан иборатки, *ибодат* амали аниқ ҳужжат орқали тасдиқланиши керак, акс ҳолда, қарама-қарши жинс вакиллари ўртасидаги алоқа ҳақиқий никоҳ мавжуд бўлганга қадар тақиқланади. Беш вақт намоз ва ёзма далилсиз исботланмоқчи бўлган унинг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга ёки ниманидир қўшишга ҳеч ким ҳақли эмас. Чунки, Аллоҳ таолонинг ўзи бизнинг *ибодат* қилишимиз учун барча йўл-йўриқларни белгилаган, биз эса Аллоҳ кўрсатганидек унга эргашамиз.

Моликийлар *макруҳ* дея тавсифланган, ҳаттоки, бошқа машаблар тақиқлаган ҳайвонлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари борасида либерал позицияга эга. Шофиъийлик, Ҳанафийлик ва Жафарийлик машабадагилар бу қарашларга ўртача ёндашишади, аксинча, Ҳанбалиилик эса қаттиққўллик йўлини танлашган. Моликийлар денгиз ва қуруқликда яшовчи ҳайвон ва қушларнинг барча турига, жумладан, “ифлос” йўллар билан овқатланадиган адашган (*жалаллоҳ*) ҳайвонлар, шунингдек, қушларнинг ўлжаси бўлган чумолилар, қуртлар ва кўнғизларни инсон истеъмол учун рухсат берган. Бошқа кўплаб машаблар буни *ҳаром* сифатида бўлмаса ҳам, *макруҳ* сифатида таъкидлашган.⁵ Моликийлик *мазҳаби* Ислоом ҳуқуқидаги иккинчи даражали (*адиллоҳ фарийях*) далилларни ҳам ҳақиқийлигини тан оладиган ягона машабдир. Ислоом ҳуқуқшунослари баъзи *мазҳабларнинг* бунга қарши, баъзилари эса рози эканлигини билдиришди.

Ҳалол/Мубоҳнинг уч тури мавжуд: Биринчи *мубоҳ* саёҳат қилиш, ов қилиш ёки тоза ҳавода юриш каби ҳаракатлар бўлиб, инсон учун зарар дея ҳисобламайди. Иккинчи *мубоҳ* зарурат туфайли рухсат этилган бўлса-да, асосан тақиқланган бўлиб, бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўлик гўштни истеъмол қилишни ўз ичига олади.⁶ Учинчи *мубоҳ* эса Ислоом тақиқлаган, аммо, унинг кириб келишидан олдин фойдаланилган нарсаларни назарда тутлади. Мисол учун, шароб ичиш Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларига қадар тақиқланмаган. Шу сабабли ҳам, бу жараён унинг ҳаромлигини кўрсатувчи Қуръон ояти нозил бўлгунга қадар *Мубоҳ* остида қолган. (*Моида*, 5:90)⁷ Ал-Ғаззолий (1111 йилда вафот этган) қўшимча равишда болаларнинг қилиқларини, ақлдан озган одам ёки ҳайвон хатти-ҳаракатларни *мубоҳ* деб аташ *жоиз* эмаслигини айтиб ўтади. Аллоҳнинг ишларини ёки Ислоом кириб келишидан олдин содир бўлган жараён ва воқеаларни ҳам *мубоҳ* дейиш ножоиз эканлигини айтиб ўтган.

Мубоҳ ўз ичида яна уч турга бўлинади:

1. Шахс учун *мубоҳ*, аммо, жамият учун *мандуб* бўлган жараёнлар. Баъзи овқатларни истеъмол қилиш, масалан, вегетариан таомлари, *мол* гўшти, қўй гўшти ва бошқалар, ҳар бир индивид учун *мубоҳ*, лекин, бу жамият учун *мандубдир*, чунки, уларни бозор расталаридан топа оламиз.
2. Шахс учун *мубоҳ*, жамият учун эса *вожиб* бўлган амаллар. Оддий шароитларда овқатланиш, ичиш ва турмуш куриш шахс учун *мубоҳ*, лекин, шу шароитларнинг мавжудлиги ҳамжамият ва унинг раҳбарияти учун *вожиб* саналади. Шунга қиёслаб, шахс ўз иш ва касбини танлаши ҳам *мубоҳ*, лекин бутун жамият остида саноатнинг айрим турларининг омон қолишини таъминлаш мажбурияти *вожибдир*.
3. Амаллар вақти-вақти билан бажарилса *мубоҳ*, мунтазам равишда амалга оширилса эса тақиққа айланади. Масалан, болага вақти-вақти билан кўпол сўзларни ишлатиш *мубоҳ*, аммо, у одат тусига айланса, *макруҳга* айланади.⁸

ҲАЛОЛ ВА ТАЙЙИБ

Таййиб (соф, тоза) – одатий амалиётлардан қатъи назар соғлом табиатли одамлар томонидан мустақил равишда кўриб чиқиладиган ва одамлар буни маъқуллайдиган нарсалар, ҳаракатлар ва хатти-ҳаракатларга ишора қилади.⁹ *Таййибнинг* тескариси – эътирозли ва қайтарувчи нарса деганидир.¹⁰ Юқорида айтилган асослар ҳақидаги муҳокамамиз, “*ҳалол*” ва “*ҳаром*” билан “*таййиб*” ва “*ҳабис*”нинг ўртасидаги боғлиқлик, *таййибнинг ҳалолга, ҳаромнинг* ҳабидга алоқадор ҳамда узвий боғлиқлигини англатади. Аллоҳ Таоло *ҳалол* ва *ҳаромни* одамларнинг фаровонлиги ва фойдаси (*маслаҳаҳ*) учун ўрнатганлиги сабабли ҳам, мана шу икки нарса *ҳалол* ва *ҳаромнинг* бўлиниб кетишининг

асосий сабабига айланди. *Ҳалол* атамаси *таййибсиз*, *Ҳаром* тушунчаси эса *ҳабиссиз* ўз кучини йўқотган, демак, бу тушунчалар узвий боғланган.¹¹ Бундай табиий муносабатлар бузилгани эса, Куръоннинг ўзида баъзи ҳолатлар аниқ бир сабабга кўра бўлган. Шундай қилиб, Шариатда *Ҳаром* табиий равишдаги кўнгилсизлик орқали (*Ҳубс*) ёки зарарлилик (*Дарар*) орқали ёки иккаласининг симбиози орқали асосланади. Умуман олиб айтганда, тўлиқ ёки кўп жиҳатлари билан зарар етказадиган ҳар қандай нарса *Ҳаромдир*, бунинг акси бўлса *Ҳалолдир*.¹²

Аммо *Таййиб* Ислому ҳуқуқшунослигида жоизликни англаувчи терминлар (*мубоҳ/ҳалол*) билан бир даражада туриш учун ҳуқуқий кучга эга эмас. Юқорида таъкидланган Қийматнинг Беш Даражаси (*ал-аҳком ал-ҳамса* номи билан ҳам машҳур) *Таййиб*ни алоҳида синфга бўлмайди. Мусулмонларга улар истаган нарса, озик-овқат ва ичимликка, улар тоза ёки *Таййиб* бўлмаса ҳам, Шариат доирасидан келиб чиққан ҳолда рухсат берилади. Номусулмон давлатларда яшаб истиқомат қилувчи мусулмон инсонлар эса *ҳалолликнинг* асосий қоидаларини *Таййиб* билангина чекламаган ҳолда ижро этишлари кифоя. Энг муқобили эса, албатта, мусулмонларнинг эътиборли бўлиши ва *Таййиб*га эришишларидир. Баъзи ҳолларда, юқори сифатли товар ва хизматларга эга бўлган ривожланган давлатларда яшовчи мусулмонлар учун *Таййиб* ва *Ҳалол* маҳсулотларни танлаш имкони бўлади. Ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганимизда, Ислому динини қабул қилган барча инсонлар *Ҳалол* ва *Ҳаром* ҳақида тушунчага эга бўлишлари, унинг кўрсатмаларига амал қилишлари лозим. Барча қонунларнинг умумий хусусияти шундаки, ҳуқуқий тартибга солиш одамларнинг кундалик ҳаётидаги энг экстремал сценарийларни кўриб чиқиш орқали амалга оширилишини кўшимча қилиш мумкин. Инсон айёрони ҳаракатлар ва худбинлик қилиши, носоғлом овқат ёки шунчаки рухсат этилган маҳсулотларни истеъмол қилиши мумкин, аммо бу ҳаракатлар жиноят ёки ҳуқуқбузарликка олиб келмагунича инобатга олинмайди. Лекин, бу, шариат шахсий одоб-ақлоқ қоидаларига эътибор қаратмайди дегани эмас. Шунини ҳисобга олган ҳолда,

Қийматнинг Беш Даражасида тавсия этилганлик (*Мандуб*) категорияси мавжуд. Рухсат этилган/*ҳалол* маҳсулотларга келсак, қонун мусулмонларга чиғанок, чувалчанг, чигиртка, калтаке-сак, ҳаттоки, тимсоҳ ва шунга ўхшаган бошқа ҳайвонларни *Таййиб* деб аташ *жоиз* эмас. Озиқ-овқатга алоқадор *Таййиб* ва *Ҳалол* орасидаги фарқлар Моликийлар машабида яққол намоён бўлади. Чунки бу машаб қоидаларида ҳайвонлар, қушлар, сутэмизувчилар ва ҳашаротлар истеъмолини кузатиш мумкин. Тўғри, буларнинг барчасига ушбу машабда рухсат этилган, аммо, барчаси ҳам *Таййиб* тушунчасига мос келавермайди. Инсонлар истеъмолида *Таййиб* тозалик ва табиий равишда ўзига жалб қилишни англатади, шунинг учун ҳам у, *мубаҳ* синфига эмас, аксинча, *мандуб* синфига мансуб эканлигини билдиради.

Қисқача таъкидлаш мумкинки, *таййибат* фақат озиқ-овқат масалалари билан чекланмаган. Қуръон ва ҳадисларда бу тушунча бошқа жиҳатлари орқали кенг ёритилган. Масалан, бажарилган ишлар тартибида (*Бақара* сураси, 2:267), ахлоқий хулқ-атвор мавзусида эслатиб ўтилган (*Муминун* сураси, 23:51), шунингдек, нутқ услуги (*Ҳаж* сураси, 22:24), солиҳ эркак ва аёл (*Нур* сураси 24:26), ҳаттоки, қулай ва шинам бўлган макон (*Тавба* сураси, 9:72, *Қоф* сураси, 61:12) борасидаги суҳбатларда ҳам келтириб ўтилган. *Таййибат* кўпинча озиқ-овқат хатти-ҳаракатларнинг бошқа жиҳатларида Ҳабисга зид маънолидир. *Таййибат* мавзуси жуда кенг маънони англатгани учун ҳам, Қуръоннинг катта мавзуси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Қуръонда келтирилган *Таййиб* ва унинг кўплик шакли *Таййибат* риюя қилиниши керак бўлган ахлоқий категория сифатида тушунилади, аммо мажбуриятни англатмайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, генетик таркибининг янгиланиши, маҳсулотларни катта ҳажмда харидорларга етказиб бериш учун турли-туман бирикма ва қўшимчаларнинг қўшилиши каби билимларнинг ортиши ва такомиллашиши, *Таййибнинг Мандуб* таркибига кирувчи категория, ҳаттоки, алоҳида синф сифатида ҳам ўрганишни талаб этмоқда. Бозор расталарида тақдим этилаётган нафақат, тез тайёр маҳсулотлар, балки, консерваланган

озукалар инсон саломатлигига зарар келтириш ёки келтирмаслиги борасида шубҳаларни келтириб чиқармоқда. Кўрсатилган сабабларга кўра, *Ҳалол* саноати ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот таркибига алоҳида эътибор беришлари, ҳамда уларнинг сертификат ва қадокқа эга бўлишларини талаб қилади.

Қуръон китобида *Таййиб* сўзини таҳлил қилганимизда, *Таййиб* ва *Ҳалол* атамалари деярли бирга қўлланганини гувоҳи бўламиз. (*аль-Бакара*, 2:167; *аль-Маида*, 5:4; 5:87; *аль-Араф*, 7:157; *аль-Нуса*, 4:160) Бошқа вазиятларда эса Аллоҳ Таоло Пайғамбаримизга: “Таййибатни истеъмол қилинг” ёки “Биз сизга берган *таййибат* орқали тайёрланган озуқани танаввул қилинг” дея мурожаат қилади. (*аль-Муминун*, 42, 51; *аль-Бакара* 2:172) Бу оятларни ўқиб туриб, *Ҳалол* ҳам *Таййиб* сингари деярли бир хил бўлган даражада туришига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Бунга яққол далил сифатида мана бу оятни мисол қилишимиз мумкин: “Эй Муҳаммад! Улар сендан ўзларига нималар *ҳалол* қилингани ҳақида сўрашмоқда. Айтгинки: “Сизларга тоза-покиза нарсалар *ҳалол* қилинди”. Аллоҳ сизларга ўргатган шаклда йиртқич ҳайвонларни овчи қилиб ўргатган ҳайвонларингизга келсак, улар сизларга тутиб келтирган ҳайвонларга Аллоҳнинг исмини айтиб еяверинглар. Аллоҳга қарши чиқишдан сақланинглар. Зеро, Аллоҳ тез ҳисоб олувчи зотдир”. (*Маида* сураси, 5:4) Қуръон тилшунослигида *Ҳалол* сўзи *Таййиб* билан ёнма-ён келишини кўришимиз мумкин, бу эса, *Ҳалол* – *Таййиб*дан кейинги турадиган даражадир.

Фикҳ тамойилларига кўра, *Ҳалол* ва *Ҳаромнинг* аралашуви, *Ҳаром* таъсирининг камайишига олиб келади.¹³ Бошқача шарҳ билан айтганда, рухсат этилганлик ҳамда ман қилинганлик ўртасидаги мавжуд далиллар, рухсат этилганликнинг бир поғона юқорилашини англатади. Ал-Суюти ўзининг "*Ал-Ашбах ва Ал-Назаир*" асарида ушбу тамойил шунга ўхшаш маънога эга ҳадисга асосланганлигини таъкидлайди.

Аммо мусулмон олимлар, шу жумладан, Абу Ал-Фадл Ал-Ироқий, (ваф. 806 йил/1403), Тож Ал-Дин Ал-Субқий (ваф. 771/ 1369 йилларда) ва Абу Бакр Ал-Байҳақий (ваф. 456/ 1064

йилларда), бу ҳадис транзиттерларнинг бузилган занжири туфайли заиф дея ҳисобланганлар.¹⁴ Қачонки, аралаштириш миқдори ва шубҳалар кўрсаткичи йўқликка яқин бўлса, кўриб чиқиладиган тамойилнинг қўлланилиши сўроқ остида қолиши мумкин. Айрим олимлар минимал, ҳаттоки, тақиқланганлиги муқаррар бўлган ҳолатларда ҳам, имтиёзлар беришган. Шубҳаларнинг пайдо бўлиши, ҳадислар, ёки бўлмаса, аналогларда ҳам учрайди. Агар ҳадислардан бири тақиқланганликни, иккинчиси эса рухсат этилганликни ифодаласа, биринчиси бўлган тақиқ устунликни ўз қўлига олади. Бу ерда эса, бошқа тамойил кучга киради: “Зарардан ҳимояланиш фойда олиб келади”.¹⁵ Ёзма манбаалар асосида пайдо бўладиган шубҳаларнинг ўринлилиги (*ҳақиқийлик*), ҳадисларни шакллантириш билан боғлиқ ёки нисбий ва метафорик (боғлиқлик, *мажозийлик*) вазиятларда намоён бўлади. Бундан ташқари шубҳа уларнинг қўллаш жараёнида ҳам пайдо бўлади. Ушбу кўрсатилган ҳолатларнинг барчаси амалга оширилиши керак бўлган, янги талқин ва ижтиҳод учун имкон яратади, аммо, бу жараён жамоат фойдаси (*маслаха*) хавфсизлигини талаб этади. Тўғри сўйилган ва ўлган ҳайвон ўртасида шубҳа туғилса, тақиқ устунликни олади натижада, бу ҳайвонни ейиш тавсия этилмайди. Судхўрлик ёки савдо-сотикдан олинadиган фойда жараёнида шубҳалар борлиги, ушбу вазиятларда эҳтиёт бўлишликни, чекловларни инобатга олишликни талаб этади. Бироқ, қуйидаги ҳолларда кесиб ўтган ҳайвонлар, масалан, от ва эшак, аксарият ҳуқуқшунослар томонидан оналик томонидан рухсат этилганлик кўрсаткичи бор ёки йўқлигини ҳисобга олишади: агар она *ҳалолга* тегишли бўлса, унда ҳайвон болаларининг ўзи ҳам *ҳалол* дея ҳисобланади. Икки турга мансуб маҳсулотнинг аралашувида, улардан бири *ҳалол*, иккинчиси эса *ҳаром* бўлса, бундай вазиятларда иккита ҳолатни кўришимиз мумкин: агар, шароб, қон, ёхуд, пешоб сув билан аралашса, *ҳаром* ҳалолдан юқорилайди, агар, хашаротлар ва ифлос нарсалар ёғга аралашса, *ҳаром* нарсалар ва атрофидаги юзалар олиб ташланади, шунда, қолган қисми *ҳалолга* айланади. Аммо, агар ҳосил бўлган аралашмада жуда

оз миқдордаги *ҳаром* мавжуд бўлса, масалан, катта меҳмонхоналар ошхоналари идишларида алкоголь қолдиқларининг жуда оз миқдорда аниқланиши, шубҳалар ҳисобига олинмаслиги мумкин, бироқ, бундай ҳолатларда, бу нарсалардан воз кечган афзал.¹⁶

ДАСТЛАБКИ ПОКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ (ТАҲОРАТ)

Поклик тамойиллари (*таҳорат*) ибаҳ ёки рухсат этилганликнинг қўшимча изоҳи ҳисобланади. Бу ҳолатда умумий қараш мавжуд бўлиб, шариат белгилаган барча покиза ва *ҳалол* нарсалар *ҳалол*, акси эса *ҳаром* (*нажас*)дир. Асл поклик эса ўз навбатида, шариат барча нарсаларда покликни кўриб чиқади¹⁷ ва бу Аллоҳ таолонинг барча нарсаларни инсон фойдаланиши учун яратганини англатади. Моликийлар ушбу фикрга қатъий амал қилаётган бир вақтда, шариат ва ханбал маҳсабига мансуб бўлганлар “мавжуд барча” дея таърифланган ғоя остида, пок нарсалар (*ал-аён*) ҳамда ҳайвонлар (кучук ва чўчкалардан ташқари) ётишини уқтиришган. Ўлган, нарсаларнинг барчаси поклик тушунчасидан йироқ бўлиб, уларга нисбатан нопок дея таъриф берилади. Одам мурдаси (мусулмон ҳам, номусулмон ҳам бир хил), балиқ ва чигирткалар бу туркумга мансуб эмас. Муқобил фикр асосида, фақатгина *ҳалол* бўлган тирик жонзотлар танасидан ажралиб чиқадиган суюқлик, тер ажралмаларида тозалик категорияси мансублигини кўриш мумкин.¹⁸ Аслида ҳаёт тозалик ва яратилиш (*илоҳ*)нинг асосий сабабидир. Тириклигида ҳам истеъмол қилиш ман қилинган ҳайвонлар ва уларнинг гўштини ейиш қатъий тақиққа учраган тушунчалардан бири ҳисобланади.¹⁹

Шунинг учун ҳам, тозалик, яратилган ҳаёт ва ундаги ҳаёт шакллариининг атрибутидир. Ифлосликнинг қандай шаклларда бўлиши Куръонда аниқ қилиб кўрсатилган. Шунга мос равишда, нопоклик ва ифлослик аниқ ёзма далиллар асосида кўрсатилиши лозим, акс ҳолда, улар *ҳалол* жисмларга ўзгарти-

рилади. *Нажас* ва *Ҳаром* тоифаларининг бундай чекланиши, Қуръон орқали инсоният истеъмоли учун ўнта *нажас* тоифасига мансуб нарсалар билан тасдиқланган (*Моида* сураси, 5:3-4)²⁰ ва Пайғамбаримизга тўғридан-тўғри мурожаат қилинган: “Эй Муҳаммад! Улар сендан ўзларига нималар *ҳалол* қилингани ҳақида сўрашмоқда. Айтгинки: “Сизларга тоза-покиза нарсалар *ҳалол* қилинди”. Аллоҳ сизларга ўргатган шаклда йиртқич ҳайвонларни овчи қилиб ўргатган ҳайвонларингизга келсак, улар сизларга тутиб келтирган ҳайвонларга Аллоҳнинг исмини айтиб еяверинглар. Аллоҳга қарши чиқишдан сақланинглар. Зеро, Аллоҳ тез ҳисоб олувчи зотдир”. (*Моида* сураси, 5:4) Шунга асосланиб, *нажас* ва *ҳаром* сифатида белгиланган нарсаларни муқаддас китоб белгилаб қўйган чегарадан чиқмаган ҳолда қўллаш, ҳамда улар рўйхатини кенгайтириш *жоииз* деб топилмайди. Фақатгина аниқ матн (агарда, бундай далил бўлмаса, ҳиссий органлар билан аниқланадиган яққол далил) нима нопок/ *нажас* эканлигини аниқлай олади. Сув, аслини олганда, *таҳорат* учун поклик белгисидир, бироқ, унга бирор нопок нарса, ёки физик хоссалари, ранги, ҳиди ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай ифлос нарсалар сувнинг ушбу хусусиятини бузилишига олиб келади. Фақатгина аниқ матн, аниқ далил ва бир овоздан қабул қилинган фикр поклик презумпциясини рад этиши мумкин.²¹

Араб тили ва Ислом китобларида ифлослик ва ахлоқсизликни ифодалаш учун турли хил иборалар ишлатилади, улар орасида *нажас*, *гадир*, *ҳобис*, *рижс* ва *рикз*. Фикҳ олимлари *нажасни* икки турга ажратишади: жисмоний (*айний*) ва шартли. (*ҳукмий*) Жисмоний нопоклик – ҳақиқий нопоклик бўлиб, уларни ҳиссий туйғуларимиз билан ҳис қила оламиз ҳамда кўрсатилган предметда мавжуд эканлигини кўра оламиз. Бу кўринишни шариат аксарият ҳолларда *ҳаром* дея белгилайди. Жисмоний ахлоқсизлик иккига бўлинган учта тоифа: оғир, енгил ва ўрта кабиларга тақсимланади. Ҳуқуқшунослар ўртасида яқдил фикр билан эътироф этилган нопокликлар кучли ҳисобланади. (*муғалла*) Даражама-даража камайиб бораётган но-

покликлар ўрта (*мутавассия*) ёки енгил (*муҳаффаф*) турларга батафсил тўхталмасак ҳам, уларнинг савдо-сотик ишларида ва бошқа масалаларда қўлланилишини таъкидлаш жоиздир. Шошилиш зарурат ҳолларини ҳисобга олмаганда, *Ҳаром* ва *Нажасга* оид асосий қоида шундан иборатки, бу маҳсулотлардан озиқ-овқат, тиббий, косметика ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, сотиш ва фойдаланиш тақиқланади. Қоидалар эса, улар билан бевосита алоқа қилишлик, ибодатнинг бузилишига олиб келишини кўрсатади. (Салоҳ)²²

Шартли нопоклик аслида ҳуқуқий хусусиятдир. Улар кўз билан кўринишса ҳам, ундай бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо, шариат уларни нопоклик дея таърифлаган ва улар *ибодат* қилиш учун маросимдаги таҳоратни бекор қилишади. Буларга дефекация, пешо, ёки жинсий алоқа кабилар киради. Поклик яна тикланиши учун кичик *таҳорат* (*Вуду*) ёки тоза сув билан тўлиқ *таҳорат* (*Фусл*) қилинади. Фикҳ кўрсатмаларида келтирилишича, *нажасни* тозалашнинг яна бир усулларида бири ҳайвонлар териси билан боғлиқ. Агар покланиш, келтириб ўтилгандек, ҳайвонларнинг терисига тегишли бўлса, ҳайвонларни қуритиш ва бронзлаш, олов билан иситиш ва ёқиш, ифлосланган қудуқдан маълум миқдорда сув куйишни ўз ичига олиб қуруқ *таҳорат* (*ал-таяммум*) олинади.²³

Шариат, шунингдек, имонни инкор этиш (*куфр*), жиноят ва гуноҳ каби нопоклик турини ҳам келтириб ўтган. Куфр имонни қабул қилиш орқали, жиноят ва гуноҳ содир бўлган тақдирда эса жазо, садақа, рўза, бадал (*каффорат*) ва чин дилдан афсусланиш (*тавба*)²⁴ йўллари билан олиб ташланиши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бирор нарсани *нажас* деб эълон қилишнинг оқибатида, бу модда инсон истеъмоли учун яроқсиз деб топилади. Бу модда бошқа моддалар билан қўшилиб, аралашмани ҳосил қилган тақдирда ҳам у *нажас* бўлиб қолаверади. Бу модда инсон танасида, кийимда ёки *ибодат* жойида бўлса, намозни бузиши мумкин.²⁵

Матний далилларда эслатиб ўтилганлардан ташқари яна қандай нарсалар *нажас* эканлиги ҳақидаги савол фикҳий их-

тилоф мавзусидир. Қарама-қаршилиқнинг биринчи нуқтаси объектлар, ҳаракатлар, хатти-ҳаракатларнинг поклиги ёки нопоклиги масаласини ким ҳал қилишга ваколатли эканлигини аниқлашдир. Рухсат этилганлик ва покликни фақат шариат, умумий қабул қилинган меъёрлар ёки инсонларнинг хоҳиш-истаклари аниқлай оладими? Мутахассисларнинг фикрича, шариат нуқтаи назаридан нажосат алоҳида тоифа бўлиб, у ҳар доим ҳам одамларнинг фикрига тўғри келмайди.

Масалан, шариат спиртли ичимликларни *ҳаром* деб белгилаган. (*рижс*; *Моида* сураси, 5:90), аммо, бу қоида араблар орасида кенг тарқалган фикрга тўғри келмаган. Бундан ташқари, араблар шариатда *ҳаром* бўлмаган баъзи нарсаларни ҳам *ҳаром* деб билишган. Масалан, сперма, тупуриш ва шилимшиқ каби инсон танасидан чиқадиган айрим моддалар далилларда *ҳаром* деб эълон қилинмасада, араблар бундай ҳисоблашмаган. Шундай қилиб, одамларнинг тасаввурлари ўзларининг маданияти, иқлими ва одатларига кўра ўзгариб туради ва ҳар доим ҳам шариат позицияларига мос келавермайди.²⁶

Кўпгина фикр олимлари шариат кўрсатган барча *ҳаром* нарса *нажасдир*, деган хулосага келишган. Аммо, яқинроқ таҳлил бу фикр ҳам аниқ эмаслигини кўрсатади. Масалан, шариат она ёки опа-сингилни ўз никоҳи остига олишни қатъиян *ҳаром* деб кўрсатади ва албатта, бу ҳеч шубҳасиз *ҳаромдир*, лекин бу тақиқнинг объекти бўлган, яъни, аёлларни уларнинг ўзларида *нажас* деб бўлмайди.

Бунга жавобан эса, бу тақиқлар нарсаларга ёки шахсларга нисбатан эмас, балки, ҳеч шубҳасиз, жирканч бўлган муносабатларга тааллуқли эканлиги, лекин, бунда объектларнинг ўзига хос ахлоқсизлик ва тозаллиги борасида ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги айтилган. Шунга мос равишда, заҳарга тааллуқли саволларни ҳам баҳс-мунозарага қўшиш мумкин, чунки, у *ҳаром* бўлмаслиги мумкин, лекин шариат истемол қилишни тақиқлайди. Шунингдек, нуфузли фикр мазҳабларининг кўплаб уламолари шариат тақиқлаган жонзотлар, масалан, йиртқичлар ва тирноқли қушлар, ёки, бошқа хусусиятларга эга бўлган ҳай-

вонлар ўз-ўзидан, нопок бўлмаганликларини, балки, нажосатдан бошқа сабабларга кўра *ҳаром* деб эълон қилинганлигини таъкидлашган. Бу тафовут фикҳнинг, ҳар бир *нажас* – *ҳаром*, аммо *ҳаромнинг* ҳаммаси ҳам *нажас* эмас,²⁷ деган эътирофи билан ўз хулосасига эришади.

Шунда ҳам баъзи саволлар ўз моҳиятини йўқотмайди: “Бирор бир модданинг нопок/*нажас* эканлигини аниқлашнинг асосий мезон (*иллаҳ*) нималардан иборат?”

Агар бирор модда таркиби ва сифатида нажаснинг мавжудлигини аниқлаш мумкин бўлса, бу хусусиятларнинг йўқлиги ҳам нажосат йўқлигини билдиради. Шундай бўлса-да, биз бундай самарали сабаб ёки маънони аниқлай олмаймиз. Чунки, шубҳанинг қора томони доимо *нажас* борасидаги баҳс ва мунозараларда иштирок этар экан, биз, фақатгина шариат тузиб чиққан *нажас* турларинигина кўришимиз мумкин. Қўллашнинг ягона ҳамда энг яхши йўли ҳам айнан шудир.²⁸

ТАЪҚИҚЛАНГАН (ҲАРОМ)

Ҳаром (шунингдек, *махзӣ* деб ҳам аталади) "Қонунлар билан шуғулланувчи (*ал-Шар*) қатъий равишда *ҳаром* қилган ва унинг айбдори бу дунёда ёки охиратда жазоланиши керак дея айтилган барча нарсалар" деб таърифланиши мумкин.

Қуръон ёки ҳадисда аниқ далиллар билан таъқиқланган иш, нарса ёки хатти-ҳаракат бўлиши ҳаромдан далолат беради. *Ҳаром* учун жазо муқаррардир ва уни инкор этиш мукофотга лойиқдир дея кўрсатиб ўтилган. Бу Ислондаги кўпчилик ҳукуқий *мазҳабларнинг* позициясидир. *Ҳанафийлар* учун манбалар ёки далиллар нафақат саҳиҳлик борасида, балки, маъно жиҳатидан ишончсиз бўлса, *ҳаром таҳриман макруҳ* (*макруҳ ҳаромга* яқин бўлади) даражасига туширилади ва тўлақонли *ҳаромга* айланмайди. Бу икки тушунча бир-бирига ўхшаб кетадики, иккаласи учун ҳам жазо муқаррар. Аммо, иккаласини ажратиб турувчи жиҳатлар борки, *ҳаромни* қасддан инкор

этиш хиёнатга олиб келса, *тахриман макруҳ* бундан анча йироқ.²⁹

Қуръон *ҳаромга* нисбатан асосий далилдир, чунки матнинг ўзида шундай дейилади: "У (Аллоҳ) сизларга *ҳаром* қилинган нарсаларни батафсил баён қилди". (*Анъом* сураси, 119) Демак, *ҳаромни* белгилаш учун ноаниқ далиллар етарли эмас. Чунончи, Қуръони Каримда *ҳаром* таомлар ҳақида ўнта нарса, яъни "ўлик гўшт, қон, чўчка гўшти, Аллоҳнинг номидан бошқа ҳар қандай ном билан сўйилган ҳайвон" кабилар белгилаб берилган. Агар инсон бўғилиб ўлдирилган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, ёки тош устида сўйилган ўлжанинг заррасини ютиб юборган бўлса, буларнинг барчаси *ҳаромдир*. (*Моид*, 5:3)³⁰ Ушбу мавзу яна иккита оятда учрайди ва уларда келтириб ўтилган ўнта турнинг тўрттасини бирлаштиради. (*Анъом* сураси, 6:145 ва 2:172) Рўйхатдаги олтита нарса эса аслида ўлик тоифасига киритилган. Шунингдек, шароб ичиш ҳам ман этилган. (5:90) Бу Қуръондаги аниқ тақиқларнинг йиғиндисидир. Қолганларига келсак, улар ҳақида шундай хитоб этилган: "Тилларингиз билан ёлғон гапирманглар, бу *ҳалол*, бу *ҳаромдир*, шунинг учун Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқишади". (*Наҳл* сураси, 116) Фикҳ кўлланмаларида муҳокама қилинган бошқа барча озик-овқат маҳсулотлари, қуруқлик ва денгиз ҳайвонлари, зарарли ёки нопок моддалар ва ҳоказолар, фақиҳларнинг *ҳаром* асосларига нисбатан турлича қарашлари сабабли ихтилофга сабаб бўлади.

Ҳадис *ҳаромни* белгилашда роль ўйнаса-да, унинг кўлами жуда чекланган. Буни қуйидаги ҳадиснинг мазмуни орқали билиб олишимиз мумкин: Салмон ал-Форисий ривоят қиладилар: «Пайғамбардан ёввойи эшак, бедана ва сут ҳақида савол сўралганда, у зот: «Аллоҳ таоло китобида *ҳалол* қилган барча нарса *ҳалол* ва Аллоҳ ўз китобида *ҳаром* қилган барча нарса *ҳаромдир*, дея жавоб бердилар. Ул зот келтириб ўтмаган нарсаларга эса тақиққа учрамайди»³¹ Қуръонда ушбу уч маҳсулот ҳақида алоҳида бир изоҳлар бўлмагани учун, улар *ҳалол* дея таъриф этилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз-

лари *ҳаромни* белгилашда асосан Қуръонга мурожаат қилганлар. Қуръондан бошқа ҳеч кимга, жумладан, факих, *мужтоҳид* (ижтиҳодни буюрадиган шахс), муфтий ва ҳукумат идоралари учун *ҳаромни* белгилаш имконият камлигини ишора қиладилар.

Шунга қарамай, давлат раҳбари *маслаҳа* (жамоат манфаати)ни ўйлаган ҳолда ёки *мафсад* (бузғунчилик, зарар)ни олдини олиш учун, макруҳни *ҳаром* деб эълон қилиши, мандубни эса фарз амалларидан бирига айлантириш ҳуқуқига эга. Бу турдаги кенг ваколат ва унинг амалдаги тўғри қўлланилиши, қуйи қисмда тушунтирилгандек, шариат қўллаган сиёсат (*сиёсайи шариаат*)га боғлиқ.³²

Ҳаром икки турга бўлинади: а) ўз манфаати учун қилинган *ҳаром* (*зотиҳи ҳаром*): ўғирлик, қотиллик, ўлик, тўкилган қон ва шунга ўхшаш зарарлилик даражаси улкан бўлган нарсалар (б) ташқи омиллар борлиги сабабли пайдо бўлган *ҳаром* (*лиғойриҳи ҳаром*) бўлиб, улардан бири судхўрлик (*рибо*)дир.

Бу тафовутнинг оқибати шундан иборатки, ўз манфаати учун қилинган *ҳаром* тури, яъни, *зотиҳи ҳаром* ҳеч қандай кучга эга бўлмай (*ботил*) қолган бир вақтда, *лиғойриҳи ҳаром* ўз моҳиятини *фосид* (кучга эга)га айлантиради. *Ҳанафийлар* фикрига кўра, келишув орқали ҳуқуқий ечимга эришиш мумкин. Аксарият мактаблар *фосидни* алоҳида тоифа сифатида тан олмайдилар ва кўриб чиқиладиган қонунбузарликларнинг барчасини *ботил* тоифасига киритадилар. *Ҳаром* ўз-ўзидан *ҳалол* бўлмаслиги лозим, аммо, очликдан ўлим каби кучли заруриятлар (*дарурах*) бундан мустасно. Ташқи қўзғатувчи таъсирлар ёрдамида *ҳаром ҳалолга* айланиши, бунга мисол тариқасида эса муҳтожлик (*ҳараж*) ва қийинчиликдан сақлана олишимиз мумкинлиги кўрсатилиб ўтилган.

Фикҳнинг қонуний қондасига кўра, *ҳаромга* йўналтириш воситалари ҳам *ҳаромда* бир хил иштирок этади³³. Агар ўғирлик ва қотиллик *ҳаром* бўлса, уларни сотиб олиш йўли ҳам *ҳаром*, чўчка гўшти *ҳаром* бўлса, савдо қилиш, уни қайта ишлаш, экспорт қилиш ва тарғиб қилиш ҳам *ҳаромдир*.

Бирок, Моликий ва Ҳанбалий мазҳаблари унинг баъзи миқдорини тиббиётда ва касалликларни даволашда қўллаш мумкин, деб ҳисоблашган.³⁶ Бундай фикр маъқул дея топилади, чунки заҳардан истисно сифатида фойдаланиш ҳам зарурат (*дарурах*) мавзусида қамраб олинган. Зарарли моддалар қаторига заҳарли бўлмаса ҳам шундай бўлиши мумкин бўлган нарсалар кирди, масалан, лой, кўмир, зарарли ўсимликлар ва ҳайвонларни истеъмол қилиш ва ҳоказо. Агар инсон улардан зарар кўрган бўлса, ханбалийлар бу нарсаларни қоралаганлик (*макруҳ*) тоифасига ажратадилар. Бунга объектнинг зарарини аниқлаш ҳар доим ҳам ўз-ўзидан равшан бўлмаслиги ва эксперт хулосасини талаб қилиши мумкинлиги ҳақидаги шарт қўшилади.³⁷

2. *Маст қилувчи*

Алкоголь ва барча турдаги гиёҳванд моддалар, суяқ ёки қаттиқ бўлишидан қатъи назар, Қуръоннинг қатъий ёзилган оятига кўра *ҳаром* қилинган (*Моид* сураси, 90) ва бу борада ҳадис: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳам *хамр* (шароб) кабидир, ҳар бир *хамр* эса *ҳаромдир*”,³⁸ дея ривоят қилади. Бу *ҳаром* тури *зотиҳи ҳаром* бўлгани учун, миқдори, бошқа моддалар билан аралашуви, суяқ ёки қуюқ ҳолдалигидан қатъи назар, жоиз эмас деб таъкидланади ҳамда *ҳаром* саналади. Истисно тариқасида эса шаробнинг сиркага айланиши, бунинг оқибатида эса у ўз хусусиятини йўқотишини ва *ҳаром* бўлмаслигини келтириш мумкин. Етакчи мактабларнинг умумий келишувига кўра, алкогольнинг тиббиётда қўлланилиши ман этилган. Бирок, маълум миқдордаги алкоголь касалликнинг давоси учун муҳим бўлиб, унинг деривативлари топилмаслиги аён бўлса, бу турдаги маҳсулотлардан фойдаланишга рухсат берилади.³⁹

3. *Ифлослик, нопоклик ва табиий нафрат* (*нажас, рижс, ҳабоис, мустағзарот*)

Ҳароминг бу турига ўлик, тўкилган қон, чўчка гўшти (Қуръон, *Анъом* сураси, 6:145), ёки соғлом табиатли ва ақлли одамлар

уларни шундай деб ҳисоблаган нарсалар киради. Бу турга мансуб бўлган жисмлар қаттиқ, суюқ, жонли ёки жонсиз бўлиши мумкин. Хобис (*ҳабоис*, нотоза, нопок) *таййиб* (тоза) сўзининг зидди бўлиб, *нажас* ва *рижсдан* бир даража пастроқда туради. Шунга кўра, *ҳабоис* йиртқич ҳайвонлар ва қушларни, шунингдек, бит ва қуртлар каби баъзи ҳашаротларни ўз ичига олади. Улар ўз-ўзидан *нажас* бўлмаслиги мумкин, лекин шунга қармай, улар Қуръоннинг *ал-ҳабоис* дея аталган тақиқ турига киради. (*Ароф* сураси, 7:157) Баъзи моддалар ўзлари *ҳаром* бўлмаса ҳам, улардан ажраладиган ажралмалар сабабли *ҳаром* деб ҳукм қилинади ва бунга мисол тариқасида эса, одам тупуриги, шилимшиқ моддалари, тер ва спермаларни келтиришимиз мумкин.

4. Ноқонуний эғалик

Бу гуруҳга тақиқланган озиқ-овқат ва ичимликлар билан бир қаторда, ноқонуний йўллар билан орттирилган мулклар, масалан, ўғирланган ёки тортиб олинган озиқ-овқат ва кимор, порахўрлик, фирибгарлик ва шариатда *ҳаром* бўлган бошқа ноқонуний йўллар орқали олинган нарсалар киради. Бу Қуръоннинг мўминларга "Эй Мўминлар! Мол-мулкингизни ўртангизда ногўгри йўллар орқали эмас, фақат ўзаро кўнгилдан рози бўлиб қилинган тижорат орқали енглар. Ўзингизни ҳалок қилманглар. Албатта, Аллоҳ сизларга эзгуликни раво кўради" деган хитобидан билиб олиш мумкин. (*Нисо* сураси, 4:29)⁴⁰ Шу муносабатга истисно тариқасида эса баъзи шахсларга, масалан, ота-онаси ва васийси, хайрия жамғармаси ёки *вақф* маъмури ҳамда ўта муҳтожлик ва очлик таҳдидига учраган кишилар учун берилган молк-мулк киради.

ҲАРОМ, ДОИМЛИК ВА ЎЗГАРИШ: ИСТИҲАЛАҲ (МОДДАНИ ЎЗГАРИШИ) АСОСИ

Ҳалол ва *ҳаром* асосан доимий ва ўзгармасдир. Шариат *ҳаром* қилган нарса, шахсий имтиёзлари, *урф*-одатлари ва маданиятидан қатъи назар, ҳар доим шундай бўлиб қолади. *Ҳалол* ва

ҳаромга оид шариат ҳукмлари ҳам барча нарсани ўз ичига олади, чунки, мусулмонлар бирор нарсани бошқаларга *ҳаром* қилиш ва ўзларига *ҳалол* қилиш имтиёзларига эга эмаслар. Гарчи мусулмон бўлмаганлар ва ҳатто оғир шароитларда, ҳаёти учун хавф остида бўлган мусулмонларнинг ўзлари учун маълум истиснолар қилинган бўлса-да, шариат белгилаган ушбу қонунлар ҳар бир тоифа учун тенгдир. Фикҳ асосларининг “Зарурият *ҳаромни ҳалолга* айлантиради” (*ал дарруҳ тубиҳ ал маҳдурат*),⁴¹ деган чақириғи касаллик, қарилик, ҳомиладорлик, фавқулодда вазиятлар ва ҳатто қийинчилик тоифаси сифатида саёҳат қилиш учун кенг қўлланилади. Шариатнинг яна бир муаммоли саволларидан бири, *ҳалол* билан *ҳаромнинг* нафақат оз миқдорда, балки катта ҳажмда ҳам амал қилиш ёки қилмаслигидир. Ҳадиси шарифга кўрсатилганидек, нимадир *ҳаром* деб белгиланса, унинг оз миқдори ҳам *ҳаромдир*. Шундай қилиб, мусулмонларнинг чўчка гўшти ёки спиртли ичимликларни оз миқдорда бўлса ҳам истеъмол қилиш тақиқланади. Ҳанафий мазҳабининг бу ерда эслатиб ўтилиши мумкин бўлган ягона истисноларидан бири, жуда оз миқдорда маст қилмайдиган спиртли ичимликларни истеъмол қилишдир. Бундай ҳолда, шахс *ҳаром* ичимликни ичгани учун айбдор бўлсада, белгиланган жазо (*ҳадд*) ўталмай қолади.⁴² Шунга қарамай, *ҳаром* истеъмол қилишнинг ҳар қандай миқдори, агар у ифлослантормаса ёки маст қилмаса ҳам шаръий тамойилига кўра гуноҳ бўлади.

Аммо, шариатнинг *ҳаромга* элтувчи йўлни тўсиш (*садд ал-дҳара*) тамойилига асосланиб, *ҳаром* бўлган ҳар қандай маҳсулотни истеъмол қилиш, гарчи у инсонни маст қилмасада, *ҳаромдир*,⁴³ дея айтишимиз мумкин. Етакчи ҳуқуқ мактаблари зарарли деб ҳисоблаган афюн, бошқа ўсимликлардан маст қилувчи моддаларни истеъмол қилиш ва чекиш борасида ҳам худди шундай позицияни қўллайдилар ва шу сабабли машҳур ҳадисда: “*ла дарар ва ла дирар ал Ислом*” – “Исломда зарар етказиш ва уни қоплаш йўқдир” дея ишора қилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўзига ёки бошқа бировга етказилган зарардан қочиш керак. Барча маст қилувчи моддалар инсон истеъмоли учун за-

рарлидир. Бундан ташқари, ушбу йўриқларга итоат этмаган ёки келтирилган қўшимча моддаларни истеъмол қилган киши учун шароб ичганга қўлланиладиган жазо (*ҳадд*)ни қўллашмайди. Бунинг сабаби, *қиёс* ҳукмида пайдо бўладиган ноаниқлик элементи бўлиб, у ҳолда шароб ва бошқа маст қилувчи моддалар ўртасида пайдо бўлган. Бунинг сабаби сифатида эса, Куръон фақат шаробга ишора қилиши лекин, бошқа маст қилувчи нарсалар борасида зикр қилинмаганлиги, бу эса келтириб ўтилмаган нарсалар учун жазонинг ноаниқлиги кўрсатилган.⁴⁴ Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, агар янги тадқиқотлар ва амалиёт янада кучлироқ далилларга асосланган ҳолда турли хулосаларга келса, фикҳ қоидалари ҳам шунга мос равишда ўзгартирилиши мумкин. *Ҳаром* эса, *истиҳола* тамойили остида тушунтириладиган маълум шароитлардагина *ҳалолга* айланиши мумкин.

Маҳсулотнинг таркиби ва хусусиятини ўзгартиришга сабаб бўлувчи ички омиллар, инсон аралашуви ёки усиз ҳам амалга ошириладиган кимёвий реакциялар *ҳаромни ҳалолга* айлантириши мумкин. Бундай трансформациялар, яъни, спиртнинг сиркага айланиши ёки чўчка гўшти тузга тушиб, вақт ўтиши билан унинг ажралмас қисмига айлангани каби ҳодисалар *ҳаромни* ўзгартириб, уни ҳалолликка айлантириши мумкин.

Бу ўзгариш спиртли ичимликлар ҳолатида бўлгани каби табиий равишда содир бўлиши мумкин. Алкоголли модда очик жойда қолдирилганда ёки қуёш нури таъсирида қолганда ёки унга пиёз, нон ёки хамиртуруш каби бошқа моддалар ботирилганда,⁴⁵ фикҳнинг *истиҳола* ёки трансформация тамойили қўлланилади. У ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий тозалаш орқали кўпайтириш ёки ўзгартириш, савдо, овқатланиш, доривор ва бошқа мақсадларда саноат аралашуви мазмунида тез-тез қўлланилмоқда.

Тиббиёт Ислом Ташкилоти (ИОМС) га кўра, *истиҳола* – бу тақиқланган модданинг табиий хусусиятларини ўзгартириб, бошқа ном, хосса ёки хусусиятларга эга бўлган бошқа моддани ишлаб чиқаришдир. Бу ерда модданинг ўзгариши деганда, илмий аралашув натижасида кимёвий ўзгаришлар назарда ту-

тилади, масалан, ёғ ва мойнинг совунга ўзгартириши ёки ёғларнинг ёғ кислоталари ва глицеринга парчаланишини каби ҳодисалар бунга мисол бўла олади.⁴⁶

Кимёвий хоссалари ўзгарган бўлса, мусулмон *ҳаром* нарса-ни истеъмол қилиши ёки ишлатиши мумкинми? Ҳанафий, Моликий ва Ҳанбалий, Шофий мазҳабларининг кўпчилиги *ҳаромнинг* нопок хусусиятлар туфайли вужудга келиши асосланиб, бунини жоиз деб биладилар. Спиртнинг сиркага ўтиш ҳодисаси сингари, *ҳаром* хусусиятларнинг кетиши, ушбу модданинг рухсатлилиқ позициясини қайтаради. Шариат ҳукмлари (*аҳкомлари*) реал сабабларга (*илал*) асосланади. Ҳукмнинг асл сабаби ва кучи йўқолса, унинг тегишли ҳукми ҳам бузилади ва ўзгартирилиши лозим деб топилади. Бунинг асосий истисноси эса ибодатдир.

Етакчи *мазҳабларнинг* бир қатор фикҳ олимлари бошқача нуқтаи назарни илгари суришади. Уларнинг фикрига кўра, нопок белгилар *истиҳолоҳдан* кейин ҳам қолади, чунки трансформация кўпинча қисман ва ноаниқдир. Бироқ, 1997-йили июнь ойида бўлиб ўтган Халқаро Тиббиёт фанлари ташкилотининг (ИОМС) тўққизинчи фикҳ тиббий семинарида тақиқланган ҳайвонлардан ёки ифлосланган моддалардан олинган қўшимчалар истилҳаладан ўтгандан сўнг *ҳалол* ҳисобланади ҳамда тоза, истеъмол ёки тиббиёт учун жоиздир.⁴⁷ Ислом фикҳ академияси Мусулмонлар Лигаси ўзининг 2003-йили 13-17-декабрда Маккада бўлиб ўтган сессиясида қўлланилаётган конвертация тугалланганлиги ва чўчка моддасининг асл хусусиятларидан ҳеч бири сақланиб қолмаганлигини маълум қилди. Аммо, агар, модда қисман ўзгарса-ю, яъни, унинг фақат шакли ўзгариб, ички хоссалари сақланиб қолса, у ҳолда унинг рухсатлилиқ даражаси йўқолади.⁴⁸ Чўчка ёғидан фойдаланиш ва желатин бўйича фикрлардаги тафовутлар эса сақланиб қолди. Бу икки маҳсулот чўчка ҳосилалари бўлса-да, сўнгги тадқиқотларга кўра, желатинни бошқа ҳайвонлардан, масалан, балиқнинг айрим навларидан олиш мумкин. Муҳокамада қарор қилинган умумий эслатмага биноан, бошқа вариантларини осонликча

топиш имкони бўлган, ўткир заруратга эга бўлмаган шубҳали моддалардан қочишга ҳаракат қилиш лозим.

1996-йилда ташкиллаштирилган ИОМСнинг фикҳ мавзусига бағишланган 8-семинарида, таркибида чўчка ёғи бўлган пишлоқ, ўсимлик мойи, мойлаш материаллари, қаймоқ, печенье ва музқаймоқ каби денатурацияга учрамайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари, чўчка гўшти ва унинг ҳосилалари тақиқланганлиги сабабли *ҳаром* этиб тайинланди. Худди шундай тақиқловчи позиция малҳамлар, кремлар ва косметика воситаларига нисбатан ҳам қўлланилди.⁴⁹

Чўчкадан олинган желатин, стабиллаш ва эмульциялаш учун озиқ-овқат моддаси сифатида ишлатилади. Мутахассисларнинг фикрича, чўчка гўшти, қорамол ёки бошқа ҳайвонлардан олинган желатин *истиҳаланинг* Ислом қонунларига мос равишда ўзгарди ва уларнинг истеъмоли жоиз деб топилди. Бунинг сабаби эса, желатиннинг чўчка териси ва суягидан олинадиган ўзига хос хусусиятларини йўқотганлиги кўрсатилди. Бу маҳсулотлар ўзининг асл шаклини, таъмини, ҳидини ёки кимёвий тузилишини йўқотгани сабабли, рухсат этилганликнинг асосий нормасига тўғри келади.⁵⁰ Семинар нопок ҳайвонларнинг суяклари, териси ва пайларидан тайёрланган желатинни тоза ва истеъмоли қилишга яроқли деб топди.⁵¹ Худди шундай ҳолатни сув танқислигига учраган мамлакатларда сувни тозалаш жараёни учун ҳам айтиш мумкин. Мен бир мунча вақт олдин Сингапур вазирининг бир стакан тозаланган канализация суви ичаётган сурати кўрсатилган хабарни ўқиган эдим. Газетада ифлос сувнинг тозалаш босқичларидан ўтгани, натижада эса, сув ичиш учун яроқли ҳамда мутлақо хавфсиз бўлганлиги кўрсатилган.

МАКРУҲ

Баъзи *мазҳабларнинг* фикрига кўра, *макруҳ жоиз* дея топилмаган, лекин унинг айбдори жазога тортилмайдиган ва ахлоқий

норма жиҳатдан айбдор бўлмаган ҳаракат, нарса ёки хатти-ҳаракатни билдиради.

Ҳанафийлар икки хил *макруҳдан* фақат биттаси, яъни поклик учун *макруҳ* (*макруҳи танзиҳи*) бўйича фикрлари кўпчиликнинг позициясига мос келган, лекин уларнинг *макруҳи таҳрими* (*ҳаромга* яқин бўлган *макруҳ*) борасидаги қарашлари бир-бирига мос келмайди, чунки, *макруҳнинг* бу тури жазони эмас, ахлоқий айбдорни инобатга олади. Етакчи мазҳаблар *макруҳдан* узоқ юрган кишини ҳамдга лойиқ ҳисоблайдилар ва Аллоҳга яқин бўлади, дея айтиб ўтадилар.⁵² *Макруҳ* кўпинча тақиқнинг энг паст даражаси дея таърифланади ва шу маънода, у *ҳалол* ва *ҳаром* ўртасида бўлган, бир томондан қатъиян тақиқланмаган, иккинчи томондан эса *ҳаром* деб кўрсатилиши учун аниқ далил етарли бўлмаган бу каби масалалар, асосан, яхшироқ альтернатив йўқлиги сабабли *макруҳ* остига қўйилган. *Ҳанафийларнинг макруҳи танзиҳий* категорияси, кўпчилик томонидан қабул қилинган *мубоҳга* мос келади.

Ҳанафийларга кўра, агар бирор амал аниқ ҳукм қилинган, лекин тақиқда заифлик жиҳати бўлса, *ҳаром* ҳисобланади. Қуръон ёки ҳадис тили билан айтганда, ҳодиса *таҳриман макруҳ*, яъни *ҳаромга* яқин макруҳдир. Масалан, бошқа эркак билан никоҳдан ўтган аёлга никоҳ тақлифини билдириш *таҳриман макруҳдир*. Бунинг сабаби шундаки, бу ҳадис ёлғиз (аҳад) ҳадис бўлиб, унинг саҳиҳлигида шак-шубҳа бўлмайди.⁵³ Ислом ҳуқуқшунослари ўртасида озиқ-овқат ва инсон истеъмолидаги маҳсулот борасида жуда кўп ихтилофлар мавжуд бўлиб, инсон истеъмоли учун мўлжалланган бошқа моддалар, ёмон ҳид чиқарадиган чириган гўшт, қабристон ўртасидаги қудуқ суви ва нопокликлар ва ифлосликлар билан озиқланадиган назоратсиз қорамол ва паррандалар макруҳни ўз ичига олади деган баҳсни илгари суришади. Тегишли ҳадислар бундай ҳайвонларнинг сутини ҳам келтириб ўтадилар.⁵⁴ Аммо, ҳайвонлар бир неча кун давомида ўз ифлос жойларидан узоқда сақланса, (паррандалар учун уч кун, қўй ва эчкилар учун тўрт кун, туюлар ва сигирлар учун ўн кун), уларнинг нопоклигига барҳам

берилади. Бирок, *мазҳабларнинг* кўпчилиги бундан бош тортишади ва таҳқирловчи белгилар ва ҳидлар йўқолмагунча, фақат изоляцияни тавсия қилади.⁵⁵ Эшак гўшти истеъмол қилиш ва сутини ичиш макруҳдир; туя сийдигини ичиш ва уруш даврида отлар керак бўлганда от гўштини истеъмол қилиш ҳам тавсия этилмайди.

Рухсат этилган маҳсулотларнинг айрим турлари баъзи сабабларга кўра тақиқланганлар тоифасига ўтади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Пиёз ёки саримсоқ истеъмол қилсангиз, масжидга жамоат намози учун борманг",⁵⁶ деб айтганлар. Ҳиди ёмон бўлган бундай нарсаларни ҳадисда айтилганидек, масжидда бўлганда ҳам ёки бошқалар билан яқин алоқада бўлиш вақтида ҳам истеъмол қилмаслик лозим.

Фил тишини сўйиш қуроли сифатида ишлатиш қораланган бўлса-да, бу борада қарама-қарши қарашлар мавжуд. Шунингдек, ҳайвонни истеъмол қилиш учун эмас, ҳеч қандай сабабсиз сўйиш ҳам қораланади. Чунки бу, ҳайвонни мақсадсиз ўлдиришни англатади. Бундан ташқари, ёш қушларни завқ учун овлаш ҳам қораланади. Тирик мавжудотлар дунё яратилиш тартибида ўз мавқеига эгадирлар ва одамлар ҳайвонларни ҳимоя ва назорат қилиш, шу жумладан, ҳайвонларнинг соғлиғи ва етарли даражада озикланиши учун жавобгардирлар. Худонинг ноиблари сифатида атроф-муҳит ва ер юзидаги барча жонзотларнинг фаровонлигига учун ғамхўрлик қилиш бизнинг масъулиятимизнинг бир қисмидир.

Шотибийнинг (ваф. 1388/790) фикрича, *макруҳ* ва *ҳаромни* бажариш гуноҳи, улар учун восита бўлган амал ва хатти-ҳаракатларнинг гуноҳига тенг эмас. Гуноҳ қилмоқ учун восита бўлиб хизмат қиладиган хатти-ҳаракатларнинг тақиқланиши ва лаънатланиши, ўша ҳаракатларни бажаргандан кўра куйи даражада бўлади. *Макруҳ* эса *ҳаромга* восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.⁵⁷

Ислом тамойилларига асосланиб сўйилган *ҳалол* ҳайвонларнинг айрим аъзолари ҳам *ҳалол* эмас деб эълон қилинган. Буларга қон, жинсий аъзолар, мойк, қин, безлар, ўт пуфаги ва сафро киради. Бу борада ҳадис матни ёлғиз ҳадис (Ҳадиси аҳад)

бўлгани учун, улар ҳанафийлар томонидан *тахриман макруҳ* ҳисобланади.⁵⁸ Ёзма далилларда *макруҳнинг* маъноси бирор нарсага ишора қилувчи воситалардан иборат бўлиши мумкин ёки шу мазмунни етказувчи эквивалент бўлиши ҳам мумкин. *Макруҳ* ўзининг луғавий маъносида қуйидаги оятда келади: Юқорида тақиқланган нарсаларнинг барчаси Раббингга қараб ёмон кўрилган ишлар”. (*Исро* сураси, 17:38) Бу ҳолатда ер юзида такаббурлик билан юриш, билимсизлик, бир масалада тўғри муносабатда бўлмаслик, ўлчов ва вазни тўғри бажармаслик, ваъдага вафо қилмаслик каби бир неча масалалар келтирилади.

Қуръон оятида: "Ишлаб топган *мол*-мулкингизнинг яхши-покизаларидан ва сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан (Аллоҳ йўлида) сарф қилинг (Агар сизга берилса) сиз уни кўз юммасдан олмайдиган (ёқимсиз) нарсалардан сарфланманг", деб буюрилган. (*Бақара*, 2:267) Ушбу мавзу Қуръоннинг бошқа оятида ҳам келади: “уларни маъруфга буюриб, мунқардан қайтарадиган, покиза нарсаларни *ҳалол* қилиб, нопок нарсаларни *ҳаром* қилади”. (*Аъроф* сураси, 7:157) Лекин бу оят шубҳа хусусиятига эга бўлган аниқ матн (*зоҳир*)дир. Шунингдек, бу органларни соғлом табиатли кишилар жирканч деб ҳисоблайди. (*ал-табои ал-салийма*)⁵⁹ Қолган учта мазҳаб унчалик чекловларга эга эмас, лекин улар ҳам ушбу органларни *макруҳ* деб билади.⁶⁰ Қорамолнинг ошқозонидан олинган ширдонни (*минфаҳа*) пишлокни ферментациялаш ва қайта ишлаш учун ишлатишга келсак, агар у *ҳалол* сўйилган ҳайвондан олинган бўлса, *ҳалолдир*; агар ўликдан олинган бўлса, *ҳалол* эмас саналади, лекин ҳанафийларга кўра булар *ҳалолдир*.⁶¹

Сўйиш маросимлари билан бирга қайд қилинадиган *макруҳ* турлари кўпол муомала қилиш (масалан, ҳайвонни оёқларидан судраб юриш), *тасмияҳни* тарк этиш (яъни Худо исмини ўқиш) каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Шофий ва Моликийларнинг таърифига кўра эса, бошқа ҳайвоннинг олдида сўйиш, суяк ва тошларни кесиш асбоби сифатида ишлатиш, ҳаётдан тўлик чиқиб кетишдан олдин ҳайвонни кесиш ёки терисини олиш, *қиблага* қарамаслик ва Аллоҳнинг ёнида Муҳаммад алайҳисса-

ломнинг исмини келтириш ҳам шундай амаллар турига киради. Моликийлар сўйиш шарти сифатида *қиблага* қаратишни шарт қилиб қўймайдилар, чунки бу ҳақда оятларда далил келтирилмаган. Уларнинг айтишича, бунинг асосини фарз намози (намоз) билан сўйиш ўртасидаги заиф аналогия ташкил этади.⁶²

Тамаки ва чекиш масаласи анча мураккаброқ. Чекиш, шак-шубҳасиз, мусулмонлар орасида кенг тарқалган бўлса-да, уламолар бу борада турлича фикрларга эга. Аксарият олимлар чекишни рухсат этилмаган деб ҳисоблашади, бунга сабаб қилиб эса пулни беҳуда сарфлаш ва озуқавий қиймати йўқлиги, тиббий жиҳатдан исботланган фойдаси ҳам мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Тамаки чекувчилар орасида ўпка саратони, юрак хуружи ва амфизем каби касалликлар билан боғлиқ ҳолда унинг соғлиқ учун хавф соладиган касалликлар кўрсатилган. Шунинг учун чекишдан сақланиш тавсия этилади.⁶³

Чекишни *ҳаром* деб эълон қилиш, энг аввало миллионлаб мусулмонларни гуноҳкор ва фосиқ деб эълон қилиш хавфини туғдиради, бу эса тавсия этилмайди. Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, бу масала бўйича аниқ далил мавжуд эмас ва шундай далилга асосланибгина уни *ҳаром* дея эълон қилиш ҳуқуқий принцип ҳисобланади.

Манбалар *макруҳ* борасида сўз юритганида, албатта шариатдаги айнан *макруҳ* деб ҳукм қилинган, ёки, эквивалент маънони билдирувчи сўзлар билан аниқланган бўлиши мумкин. Жумладан, шундай ҳадис борки, унда Пайғамбар алайҳиссалом куёш ботгунча пешин вақтидаги, жума намози бундан мустасно бўлган ҳар қандай намозни қайтарганлар, дея келтирилган. Бунинг сабаби сифатида эса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг намозни бир вақтда амалга оширишни ёмон кўрганликлари (*кариҳа ан-набий*) айтилган.⁶⁴ Мисол учун, ҳадисда *макруҳга* тенг бўлган атама бор: Аллоҳ наздида энг жирканчли (*абғодул-ҳалол*) нарса бу – талоқдир.⁶⁵

Макруҳ ҳам тақиқланган ҳолда бўлса-да, айбдорликни ишора қилувчи тилда ҳам келтирилиши мумкин. Бунга мисол қилиб, мўминларга хитоб қилиб, уларни огоҳлантирувчи Қуръон

матнини келтириш мумкин: “Эй Мўминлар! Сизларга очиқ-ойдин ёрдам берса сизларни ёмон аҳволга солиб қўйдиган нарсалар ҳақида сўраманглар”. (*Моид* сураси, 5:101)⁶⁶

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН (*МАНДУБ*)

Мандуб (*суннат*, *мустаҳоб*, *нафл*) шариат тавсия қилган, лекин мажбурий бўлмаган амал ёки хатти-ҳаракатни билдиради. Мандубга риоя қилган инсон маънавий рағбат олади, лекин, уни эътиборсиз қолдириш учун ҳам ҳеч қандай жазо белгиланмайди. *Мандуб макруҳнинг* зиддидир. Сўйилган молга раҳмшафқат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш *мандуб*, қўпол муомала қилиш эса макруҳдир. Қўшимча равишда хайрия (*вақф*) қилиш, касалларга қараш, қўшинини ва меҳмонни ҳурмат қилиш тавсия этилади. Агар *мандуб* Пайғамбаримиз (с.а.в.) баъзи ҳолларда бажарган, баъзиларида эса ташлаб қўйган амал бўлса, *суннат* дейилади ва у ҳам икки хил бўлади: Агар Пайғамбар алайҳиссалом (саллоллоҳу алайҳи васаллам) бирор нарсани мунтазам ўқиган бўлса ёки қатъий тавсия қилган бўлса, *суннатнинг* бу тури қатъий *суннат* (*суннати муаккада* ёки *суннати худо*) деб аталиб, бунга, масжид жамоатига фарз намоз (салаҳ) ўқишга бориш ва ундан олдин ҳаммани намозга чақириш (*азон*) киради. Гоҳ-гоҳида тарк қилган *суннатлари*га эса “Ғайри муаккада” дейилади. Муаккад *суннатни* узрсиз равишда давомли тарк қилиш *макруҳ* бўлиб, кичик гуноҳдир. Намоз ичидаги муаккад *суннатларни* тарк қилиш эса, *тахриман макруҳдир*.

Ҳуқуқ мактаблари мандубга мос келувчи татавву, фазилат, эҳсон, рағбат каби турли хил ибораларни қўллаганлар, улар кўпинча *маслаҳат* ва маданий ибратлардан иборатдир.⁶⁷ Тавсия қилинадиган ва рухсатлилиқ даражаси (*мандуб*, *макруҳ*) мос равишда концептуал антонимлар бўлиб, бири кўп жиҳатдан иккинчисининг тескариси бўлади. Исломдаги озик-овқат моддалари Қуръонда ижобий маънода зикр қилинган ёки Пайғамбаримиз

томонидан маъқулланган баъзи озиқ-овқатлар, масалан, асал, анжир, зайтун, хурмо ва сут билан боғлиқ бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёққан ва Рамазон ойида рўзани, масалан, хурмо билан очишни тавсия қилинган.⁶⁸

Озиқ-овқат ва ичимликларда тавсия этилган фикҳий маълумотларнинг кўпчилиги хулқ-атвор, дуо ва шукр қилиш ва айрим идишлардан фойдаланиш каби меъёрларни ўз ичига олган. Маълумки, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одатда таомларини "Бизнинг эҳтиёжимизни ва ташналигимизни қондирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин",⁶⁹ деган дуо билан бошлаганлари маълумдир. Овқатдан кейин ҳам худди шу ҳол такрорланиб, бошида айтишни унутганларга овқат пайтида исталган вақтда айтишни *маслаҳат* берган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлса ёки тавсия қилган бўлса, *мандуб* ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овқатдан олдин ва кейин қўлларини ювар, овқатни ўтирган ҳолда олиб, кейин, ўнг қўл билан овқат ейишга киришганликлари кўрсатилган. Шунингдек, у бизга ўтирган жойимиз

га энг яқин бўлган таомни олиш ҳақида кўрсатма берди ва қўл билан овқатланадиган киши овқатни идишнинг ўртасидан эмас, балки унинг ёнидан олиши кераклиги ҳақида тавсиялар берган. Бундан ташқари, Пайғамбаримиз овқат устида бақир-масликни *маслаҳат* берди, чунки бу овқатни тупурик ва ёқимсиз нафас излари билан булғаш мумкин. У сувни тавсия этилган ҳолат бўйича ўтирган ҳолатда ичар эди, гарчи у бир неча марта тик турган ҳолда сув ичганини кўрган бўлса ҳам. Худди шундай, у гигиеник сабабларга кўра тўғридан-тўғри кўзадан ичишни тавсия қилди, бу эса шубҳасиздир. Ҳадисда яна бир нарса кўришиб турибдики, Пайғамбар олтин ва кумушдан фойдаланишни қатъиян қоралаган.⁷⁰

КУЛРАНГ МАЙДОНЛАР: ШУБҲАЛИ МАСАЛАЛАР
(АЛ-ШУБУҲАТ, МАШБУҲ, МАШКУК)

Булар *ҳалол* ва *ҳаром* ўртасида бўлган оралик (кўпинча аниқланмаган) масалалардир. Шубҳалар, асосан, икки омилга боғлиқ бўлиши мумкин: Ё шариатнинг ёзма далилларининг маъноси ёки ҳақиқийлиги шубҳадан холи бўлмаса, ёки унинг муайян мавзу ёки ҳолатга нисбатан қўлланилиши ноаниқлиги аён бўлса.

Қуръони каримнинг ўзи (*Имрон* сураси, 3:7) баъзи қисмларининг табиий шубҳали эканлигини тасдиқлаган ва уларни *муташабиҳат* деб атаган. Муташабиҳат туркумидаги Қуръоннинг айрим бирикма, сўзлар ёки ибораларининг аниқ маъноси Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Масалан, Қуръоннинг ўн тўққиз сураси қискартма ҳарфлар билан бошланади, улар *муқаттат* деб номланади, улар сир ва шунинг учун моҳиятан ноаниқ. Баъзи муфассирлар бу сир-саноатни Пайғамбаримиз билар эдилар, дея ишонишган. Пайғамбаримиз ҳадисларида *ҳалол* ва *ҳаромнинг* бир-биридан очик-ойдин баён қилинганлигини, бироқ: "Улар орасида шубҳали нарсалар борки, улар кўпчиликка маълум эмас. Улар *ҳалол* ёки *ҳаромдир*... Кимки ўз дини ва ор-номуси поклиги учун улардан сақланса, ўзини кутқарган бўлур эди".⁷¹ Шубҳадан қочиш ва ундан сақланиш учун ҳаракат қилиш, тақвога, яхши номга ва обрўга ёрдам беради. Ҳадиснинг қасос ва кечирим (*истибра*) тафсирида бу борада кўп нарсаларга ишора қилиниб, шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлишни тавсия қилади.

Ал-Қародавий назарида, ёмон мақсад йўлини тўсиш (*садд ал-зарар*), кишининг шахсияти ва хулқ-атворининг комил эканлигидан хабар беради..."⁷² *Машбуҳатга* берилиш, бошқача қилиб айтганда, *ҳаромга* олиб келиши мумкин, *маслаҳат* эса *ҳаромга* олиб борадиган йўлни тўсишдир. Яна бир ҳадисда мусулмонларга шубҳали нарсаларни, шубҳасиз бўлган нарса фойдаси учун "тарк қилиш" буюрилган.⁷³ Шубҳанинг индулгенция имкониятлари бизнинг давримизда кучайиб бормоқда. Бугунги

кунда, фермер хўжалигидаги ҳайвонларнинг озукиси сифатида ҳайвон қолдиқлари, гормонлар ва антибиотиклардан фойдаланиш жараёнининг ортиши натижасида, ушбу ҳайвон гўштини сотиб олиш ёки истеъмол қилишдан олдин машбуҳ ёки ҳалолни аниқлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Завод амалиётлари ҳам Ислом тамойилининг мувофиқлик синовидан ўтмаслиги мумкин. Бу саволларга аниқ жавоблар эксперт хулосаси ва илмий далиллар асосида берилиши керак. Айрим мамлакатларда БСЕ (сигир касаллиги)нинг тез-тез учраб туриши⁷⁴ озиқлантириш ва парвариш қилиш борасида ҳам саволлар туғдирди.

Амалдаги шубҳалардан ҳалос бўлиш учун, энг аввало изланишлар, тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Фикҳнинг ҳуқуқий қондасига кўра, "*ҳалол* ва *ҳаром* аралашса, *ҳаром* ғолиб бўлади".⁷⁵ Бошқача қилиб айтганда, агар мавжуд бўлса далиллар жоизликни, ёки тақиқни англатиши мумкин бўлса, иккинчиси устун бўлади. Буни Ал-Суюти ўзининг "*Ал-Ашбах ва ан-Назир*" асарида келтирар экан, ушбу тамойилнинг келтирилган ҳадисга асосланган ҳолда, худди шундай таъсирга эга эканлигини таъкидлайди. Ҳадисда "*Агар ҳалол ва ҳаром аралашса, иккинчиси ғолиб бўлади*", дейилган. Бироқ мусулмон уламолари, жумладан, Абу ал-Фадл ат-Трокий, Тожиддин ал-Субкий (вафоти 1369/771) ва Абу Бакр ал-Баёқий ҳадиснинг ривоят занжири бузилганлиги сабабли заиф ҳадис деб ҳисоблашган.⁷⁶ Шунга қарамай, чалкашликлар миқдори ва кўлами жуда оз бўлган ҳолларда, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий меъёр ҳам шубҳа остига қўйилиши мумкин.

Чалкашликлар икки хил ҳадис ривоятлари мавжудлиги сабабли ҳам пайдо бўлиши мумкин. Иккита қарама-қарши аналогия: бири тақиқловчи, иккинчиси эса рухсат берувчи бўлганида, биринчиси иккинчисидан устун туради. Тақиқлаш, бу ҳолда, рухсат беришдан устун туради. Ҳуқуқий адолатнинг асл мақсади: "*Зарарнинг олдини олиш фойдани амалга оширишдан устун туради*" деган ғоядан иборат.⁷⁷ Матн орқали пайдо бўладиган шубҳа, ҳадиснинг ифодавий, нисбий ҳамда метафорик (*идофий*, *мажозий*) хусусиятлари каби муайян ҳолатларда

хақиқий (*ҳақиқи*) бўлиши мумкин. Барча ҳолатларда жамоат манфаати ва маслаҳани таъминлашга ҳаракат қилувчи янги талқин ва ижтиҳод учун имконият пайдо бўлиши мумкин. Қонуний сўйилган гўшт ва ўлик гўшт ўртасида чалкашлик юзага келганда, тақиқловчи позиция устунлик қилади, шунинг учун истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Худди шундай, *рибо* ва қонуний савдодан келадиган даромадлар ўртасида чалкашлик бўлса, эҳтиёт бўлиш керак. Ҳайвонларнинг, от ва хачир каби, гибрид усулда боқилиши борасидаги чалкашлиги, уларнинг нопок дея эътироф этилиши билангина ўз ечимини топмайди. Чунки, аксарият ҳуқуқшунослар оналикни оқлаб, унда жоизлик кўрсаткичи кучлироқ дея ҳисоблашади. Агар она ҳайвон *ҳалол* бўлса, унинг боласи ҳам *ҳалол* ҳисобланади.

Бири *ҳалол*, иккинчиси *ҳаром* бўлган икки хил таом аралашмаси бўлса, дастлаб иккита ҳолат юзага келади: Биринчиси ажралмас, масалан, шароб, қон ёки сийдик сувга аралашса, у ҳолда, ҳалолдан *ҳаром* устун бўлади. Иккинчи ҳолат эса *ҳаром* ва *ҳаромни* бир-биридан ажратиб бўлади, қотиб қолган сариёғ устига ҳашарот ёки нопок модда тушса, буюмнинг ўзи ва унинг атрофидаги қисмлари олиб ташланади ва қолган қисми *ҳалол* ҳисобланади. Бироқ, агар аралашма жуда оз миқдорда бўлса, уларни аниқлаш деярли имконсиз бўлса, шунингдек, тўлиқ тозаланиши ўрнатиш қийинчилик туғдирса, улардан воз кечиш маъқул ҳисобланади. Катта меҳмонхоналардаги ошхона идишларидаги оз миқдордаги спирт қолдиқлари қолиши, юқоридаги фикрнинг исботидир.⁷⁸

ОЗИҚ ҚУВВАТИНИ КУЧАЙТИРУВЧИЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Умумий қоидага асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, гўшт ва ичимликларни қайта ишлаш тамойиллари, озиқ-овқат таркиби, кучайтиргич ва қўшимчалар учун ҳам амал қилади. Мусулмонлар озиқ-овқат маҳсулотлари, қўшимчалар, косметика ва тиббиёт масалалари борасида шариат қарорларига эъти-

бор қаратишлари шарт. Бирок, шариат томонидан кўпинча белгилаб қўйилган баъзи вазиятларда, "заруратлар *ҳаромни ҳалол* қилади" деган ҳуқуқий норма қўлланилиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, барча нарсалар шаръий жиҳатдан тоза ва *ҳалолдир*, бунинг акси эса *ҳаромдир*. Маҳсулотларда маълум бир таркибий қисм ёки қўшимчаларни аниқлашда шариат ҳукмларини инобатга олиш учун, табиийки, бу моддаларнинг келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олиш керак.

Ҳар қандай озиқ-овқатнинг таркибий қисми *ҳалол* манбадан олинган бўлиб, яхши ва фойдали бўлса, *ҳалолдир*. Айтиш жоизки, *ҳалол* бўлган кимёвий моддалар ва ўсимликлардан олинган озиқ-овқатнинг таркибий қисмлари ва қўшимчалар, синтетик озиқ-овқат, тухум, балиқ ва белгиланган тартибда сўйилган гўшт ҳосилалари ҳам ҳеч шубҳасиз *ҳалолдир*. Балиқ ва сабзавотларнинг барча ҳосилалари *ҳалолдир*; сигир, қўй, эчки ва бошқа *ҳалол* ҳайвонлардан олинадиган барча маҳсулотларни истеъмол қилиш *ҳалолдир*. Агар улар ўлган, *ҳаром* билан қўшилган ёки аралаштирилган бўлса, уларнинг истеъмоли ҳам ножоиздир.

Озиқ-овқатларни бузилмаслиги, ранги ва таъмини яхшилаш, яроқлилигини узайтириш ва истеъмол қилиш учун баъзи ингредиентлар ва қўшимчалар қўшилади. Ушбу қўшимчаларнинг баъзилари, мисол учун, шакар, туз, асал кабилари табиийдир, натрий бикарбонат, натрий нитрат ва синтетик витаминлар эса синтетикдир. Харидорларнинг соғлиги ва ҳаётини асрашдаги қарор ва меъёрлар нуқтаи назаридан, етарлича ҳуқуқбузарликлар содир этилган ва қайд қилинган. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда ишлатиладиган баъзи кимёвий моддалар зарарли, шунингдек, соғлиқ учун ҳам зарарли эканлиги исботланган, шунинг учун улар шубҳа остида қолади. Ушбу қўшимчаларнинг бир қисми кансероген бўлиб, уларда инсоннинг жинсий хулқ-атвори ва соғлиғига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган токсик моддалар мавжуд.⁷⁹ Агар ушбу қўшимча ва таркиблар ишончли синовлардан ўтиб, зарар етказмаслиги, инсон ҳаёти, саломатлиги ва фаровонлиги учун фойдалилиги

исботланса, уларни истеъмол қилишга рухсат берилади. Аммо, соғлиқ учун зарарли эканлиги исботланса, *макруҳ* ёки *макруҳ тахрими*, қатъий далил бўлганда эса, *ҳаром* саналиши мумкин.

МАШБУҲ ИНГРЕДИЕНТЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Кўпгина қўшимчалар ва ингредиентларнинг *ҳалол* ёки *ҳаром* эканлигини аниқ аниқлаш мумкин бўлса-да, баъзи бирларини *ҳалол* ва *ҳаромга* ажратиш осон эмас. Бу турдаги моддалар сўроқ остида ва шубҳали бўлиб, уларни *ҳалол*, *ҳаром* ёки *макруҳ* деб таснифлаш учун қўшимча далиллар керак бўлиши мумкин. Имонни пок ва яхлит сақлаш учун, бу тоифага кирувчи озиқ-овқатлардан узоқроқ туриш лозим. Модданинг даражасини аниқлаштириш учун қўшимча маълумотлар мавжуд бўлмагунча, шубҳали моддани *макруҳ* тоифасига киритиш тавсия этилади. Бунга желатин, эмульсификаторлар, ёғлар ва келиб чиқиши шубҳали ферментлар каби таркибий қисмлар киради. Буларнинг барчаси шубҳалидир. Уларнинг деярли барчасида *ҳалол* ёки вегетариан таркибли деривативлари борлиги сабабли, уларни бемалол бир-бирининг ўрнида ишлатиш мумкин.⁸⁰

Импорт қилинган гўштлар ҳам шубҳали маҳсулотлар қаторига қўйилиши мумкин. Импорт қилинадиган озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари шубҳали шароитларда ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулотларни тўртта асосий тоифада муҳокама қилиш мумкин:

- а) Мусулмон ҳуқуқшунослари аҳолисининг кўпчилиги яҳудий ёки насроний бўлган Европа ва Америка каби номусулмон мамлакатлардан олиб келинган гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг кириб келиши учун рухсат беришади, аммо, бу учун ҳайвонлар *ҳаром* бўлмаслиги ҳамда қоидаларга асосан сўйилган бўлиши талаб этилади. Чунки, жоизлик – ҳайвонларни сўйиш ва озиқ-овқат маҳсулотларига тааллуқли бўлган асосий тамойилдир, бу Қуръоннинг ояти (*Моида* сураси, 5:5)да келиши билан тасдиқланган, бундан ташқари, бунинг аксига асос бўли-

ши истисно қилиб кўрсатилади. Лекин мусулмонларга Аллоҳдан ўзга илоҳга дуо қилинган гўштни истеъмол қилиш жоиз эмас.⁸¹ Исботланмаган шубҳалар ўзининг тақиққа учраши ва кучга эга эмаслиги билан жоизликка йўл беради. Қатор ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, қасддан Аллоҳ зикрини айтмасдан ҳайвон сўйилса, ўша ҳайвон *ҳаром* саналади.⁸²

- б) Мусулмон ҳуқуқшуносларининг кўпчилигининг фикрига кўра, Зардуштийлар (*мажусий*)дан олиб келтириландиган гўшт ва гўшт маҳсулотлари *ҳаром* ҳисобланади. Чунки улар сўйилиш тартибига амал қилишмайди ҳамда аҳолининг кўп қатлами кўп худоликка эътиқод қилишади. Улар ҳақида бошқача қараш ҳам мавжуд. Муқаддас Китобга амал қилувчи одамлар ҳайвонларни сўйса, уларнинг сўйиши қиёсий жиҳатдан *ҳалол* бўлади. Хабар қилинишича, Ибн Лазм ал-Заҳирий (ваф. 1064/456) зардуштийларни Муқаддас Китоб аҳли қаторига киритган ва шунинг учун ҳам худди шу қоидаларни зардуштийларга ҳам татбиқ этган.⁸³
- с) Аслида *ҳаром* саналган, аммо қадоқланиш жараёнида *ҳалол* қилиб кўрсатилган шубҳали гўшт ва гўшт маҳсулотлари ушбу турга киради. Ёрлиқ қасдданми ёки бошқа йўл билан қилингани бу ерда аҳамият касб этмайди. Эҳтимол, бунга соф сотиш ва маркетинг омилларининг шариат қоидаларига мутлақо эътибор бермай қарорларни қабул қилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. *Ҳалол* номи остида қадоқланган маҳсулотлар, аслида, ҳеч қандай сертификатга эга бўлмаганда, савол ва шубҳалар сони ортиши ва маҳсулот *машбуҳат* остига тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, *ҳалол* гўштни таркиб сифатида қидираётган ишлаб чиқарувчи, *ҳалол* қадоғи остида маркаланган ҳар қандай гўшт маҳсулотини *ҳалол* деб ҳисобламаслиги керак. Ишонч ҳосил қилиниши учун, берилган ҳар

бир гўшт маҳсулоти учун сертификат талаб қилиниши лозим. Гўшт маҳсулотлар орасида энг муҳим таркибий қисм бўлгани учун назорат қилувчи орган етказиб берувчини қайта кўриб чиқиши ёки бошқа етказиб берувчини тавсия қилиши керак.

Бозор тадқиқотлари мусулмон мижозларнинг *ҳалол* бўлмаган дўконлардан қийма сотиб олишни исташмаслиги ҳақидаги жавобларини қайд этган, чунки, бир қанча йирик ва кичик озик-овқат занжирлари чўчка гўштини *мол* гўшти билан аралаштириб юбориши барчага маълумдир. Ҳатто Малайзия ва Куала-Лумпурнинг Черас туманидаги чўчкачилик фермаси ёнида, *ҳалол* сертификатига эга бўлган қуритилган тофу ишлаб чиқарувчи завод қурилган. Маҳсулот шубҳали шароитларда ишлаб чиқарилганлигини, чўчкачилик фермаси ва фабрикани фақат юпқа девор ажратиб тургани орқали билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари завод атрофида бир нечта адашган итлар изғиб юргани ва бу ҳудуддаги ёғочни қайта ишлаш заводи тор жойда катта микдорда чанг ҳосил қилганини кўришган. "Компания томонидан маҳсулот қадоқлаш учун ишлатиладиган ЖАКИМ (Малайзиянинг Ислом тараққиёти департаменти)нинг *ҳалол* логотипи сохта эканлигига исботланди".⁸⁴ ЖАКИМнинг бу воқеа юзасидан чора-тадбирлар кўриши учун бироз вақт керак бўлди. Унинг бош директори Усмон Мустафо 2013-йилнинг 1-январидан бошлаб, мусулмон истеъмолчиларни чалғитувчи "Мусулмон таомлари" ва "Рамазон буфети" каби *ҳалол* логотиплари, рамзлари ва сўзларидан фойдаланишни тақиқлади. Қонунни бузган ҳар қандай ташкилот биринчи ҳуқуқбузарлик учун РМ 200 000 (тахминан \$65 000), иккинчи ва кейинги жиноятлар учун РМ500 000 гача бўлган микдорда жаримага тортилиши кўрсатилди. Бундан ташқари, барча импорт қилинадиган озик-овқат маҳсулотлари ЖАКИМ томонидан эътироф этилган ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг расмий ор-

ганлари томонидан берилган *ҳалол* логотипи ва сертификати га ҳам эга бўлиши эълон қилинди.⁸⁵

- д) *Ҳалолни* аниқлаш жараёнидаги баъзи шубҳалар ҳам мусулмон бўлмаганларнинг саноатда ҳукмронлик қилиш тенденциясидан келиб чиқади. Саноатда сўйиш жараёни қоидаларга кўра, мусулмон шахс томонидан бажарилиши керак, саноатнинг бошқа соҳалари эса номусулмонлар учун ҳам очик қолади. Таъминот занжири, жумладан, деҳқончилик, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, товар савдоси, логистика, ресторанлар, меҳмонхоналар ва чакана савдо тармоқлари мусулмон бўлмаган мамлакатлар ва корхоналар томонидан устунликка эришилган. Мусулмон мамлакатлари ва компаниялари эса, аслида, *ҳалол* озиқ-овқат қиймати занжирида фақат чекланган ролга эга.⁸⁶

ТАЪҚИҚЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАРКИБ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Аввало шуни айтиш керакки, *ҳаромни* бошқа образ ёки ном остида кўлга киритмоқчи бўлган ҳуқуқий ҳийла-найрангларга (*ҳиял*) мурожаат қилиш ман этилган. *Ҳаромдан* олинган ингредиентлар, масалан, чўчка гўшти, чўчка гўштининг қўшимча маҳсулотлари ва қоидага биноан кесилмаган гўштлар, шулар жумласидандир.

Уламоларнинг аксарияти тақиқланган ҳайвонлардан олинган моддалар ва уларнинг кимёвий ўзгартиргичлар орқали пайдо бўлган ҳосилаларидан олинган маҳсулотлар, желатин, дори капсулалари чўчка аъзолари ёки тўқималаридан олинган бўлиб, улардан фойдаланиш жоиз ҳисобланмайди. Денатурацияга учрамайдиган чўчка ёғидан бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, пишлоқ, ўсимлик мойи, сариеғ, қаймоқ, печенье, шоколад ва музқаймоқ кабилар ҳам тақиқланади. Буларнинг барчасидан "зарурият" туфайли истиснога сабаб бўлиши мумкин бўлган вазиятдагина фойдаланиш мумкин. Заруратни ҳар доим

хам олдиндан айтиб бўлмайди. Аммо ҳеч шубҳасиз, одамларнинг ҳаёти уларга боғлиқ эмас ва улардан қочиш одатий тартибни бузишга ёки тартибсизликка олиб келмайди. Бу маҳсулотларни инкор этиш инсон эътиқоди, ҳаёти, ақл-заковати, насли ва мулкига ҳеч қандай зиён келтирмайди. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулотлардан ўзини тийиш қатъиян ҳукм қилинган. Тиббиётда алкоголь ўзининг маст қилувчи хусусияти туфайли одатда тақиқланган. Ушбу қоидага истисно ҳолатлардан бири, муқобили мавжуд бўлмагунча ишлаб чиқарилаётган, седатив бўлмаган консервант ёки эритувчи сифатида жуда оз миқдордаги спиртли ичимликларни ўз ичига олган дори-дармонлардан фойдаланишдир. Гиёҳванд дорилар ва моддаларга ҳеч бир шароитда руҳсат берилмайди. Малакали шифокорлар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган махсус тиббий муолажалар эса бундан мустаснодир. Юқорида келтирилган *ҳаром* борасидаги шарият асосларини шу мавзудаги баҳсимизда баён этганмиз.

Таркибида оз миқдорда шароб бўлган таомлардан, алкоголь қўшилган шоколад, ичимликлар ёки озиқ-овқатлардан сақланиш лозим. Шарият тамойилларига асосан, маст қилувчи моддалар, улар қандай ҳажмда бўлишидан қатъий назар,⁸⁷ тақиқланган ва ман этилган. Истиснолик тамойили зарурат бўлмаган омилларда қўлланилмайди.

Зарурийлик қоидалари билан боғлиқ кўплаб тиббий муаммолар мавжуд. Масалан, баъзи дори-дармонлар ва оғиз ювиш воситаларида алкоголь мавжуд, агар, кимдир алкогольсиз муқобилни топса, бу афзалроқдир. Аммо шуни таъкидлаш керакки, фақат этиль спирти (этиль спирти ва этанол, алкогольли ичимликлар эса алкогольли овқатлар таркибида) маст қилувчидирлар ва шунинг учун улар *ҳаром* ҳисобланади.⁸⁸ Хушбўй моддалар ёки ароматик моддалардан фойдаланишда ҳеч қандай муаммо топилмайди (масалан, Eau de Sologne), бунда алкоголь тана лосьонлари ва хушбўйлантитувчиларда алкоголь таъсирини йўқотиш учун ишлатилади.

Бундан фарқли ўлароқ, маълум миқдорда алкогольни *ҳалол* маҳсулотларда ҳам топиш мумкин, нон ва соя соуси каби *ҳалол*

таомлар айнан шу тоифага киради. Маълум миқдордаги алко-голнинг қўшилиши табиий реакция бўлиб, бундай ҳолатда алко-голь *ҳаром* синфига киритилмайди.

ТЎҒРИ СЎЙИШ МАРОСИМЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Тўғри сўйиш маросимлари ҳамда тозаликка қўйилган талаблар *ҳалол* саноатида муҳим ўринни эгаллайди. Бунга амал қилувчи мусулмон давлатлар, сўйиш тартибидаги баъзи қоидалари билан бир-биридан фарқ қилсаларда, улар асосан Шариат та-мойилларига таянишади. Шариат талаб этган ушбу қоидалар баъзида муҳокамаларга сабаб бўлади:

1. Ният элементи: *Ҳалол* сўйиш фақат ҳайвонни ўлдириш эмас, балки тўғри фойдаланиш ниятида бўлганда содир бўлади. Демак, ҳеч қандай ниятсиз сўйиш *ҳалол* бўлмайди.
2. Сўйиш вақтида Аллоҳнинг номини ёки тасмияни тиловат қилиш кўпчилик *мазҳабга* кўра *вожибдир*, шофийлар эса бунга тавсия этилган (*мандуб*) дея қарашади, қолдириб кетилганни истеъмол қилса, *макруҳ* ҳисоблашади. Бошқа томондан, барча мактаблар бу талабларга тўсқинлик қилмайди. Шуниси эътиборга лойиқки, Куръонда арабларнинг қадимги худоларнинг исмларини тиловат қилиш ода-тидан фарқли ўлароқ, *тасмия* сўйиш жараёни учун ҳукм қилинган. Шунини таъкидлаш жоизки, инсоният табиатан Аллоҳ яратган ҳайвонларни изнсиз жонига қасд қилиш ҳуқуқига эга эмас ва *тасмия* буни тасдиқлаш ва эътироф этишдир. Ричард Фольц ўзининг далилларни кўриб чиқиб шундай хулоса чиқаради: "Биринчидан, Одатлар одам ва ҳайвонларнинг ўртасидаги муносабатларга жиддий ёнда-шади. Иккинчидан, ҳайвонлар ҳам ҳис-туйғуга эгадир-лар. Учинчидан эса, Аллоҳ таоло инсониятга раҳмдил ва шавқатли бўлишга буюрган."⁸⁹

3. Мусулмон ёки нозил китобга эргашувчилар, жумладан, насронийлар ва яҳудийлар томонидан ҳам сўйишга рухсат берилади. Қуръонда бу ҳақида шундай дейилган: “Бугун сизларга тоза-покиза нарсалар *ҳалол* қилинди. Илоҳий китоб берилган кишиларнинг таомлари ҳам сизларга *ҳалол*, сизларни таомингиз ҳам уларга *ҳалол*. (Моида, 5:5)⁹⁰ *Аҳл ал-китоб* эгаларининг овқатлари ва сўйган ҳавонлари, гарчи, улар тасмияни қўлламасаларда, биз учун *ҳалол*. Мусулмон фақиҳлари бу сўнгги позицияга *ихтилоф* қилишган, аммо Қуръоннинг рухсати ноаниқ сўзлар билан етказилгани учун мусулмонларнинг таомларини истеъмол қилишлари ва сўйишларини қабул қилишлари *ҳалолдир*.⁹¹
4. Ислом ҳуқуқининг етакчи мактабларининг умумий фикрига кўра, ҳайвонларни сўйишда тўртта муҳим бўлак, яъни трахея, қизилўнгач ва бўйин томирларини узиш талаб этилади. Қизилўнгач кесилмаса, мунозара пайдо бўлади. Шунинг учун тўрт қисмни бирданига кесиш тавсия этилади.

Сўйиш тартибида баъзи қондалар тавсия этилади (*мандуб*):

- *Тасмия*, “Аллоҳ буюқдир” ибораси яъни, такбирни ўқиш.
- Сўйишни кундузи тамомлаш, сўйишда хатоликка йўл қўймаслик.
- *Қиблага* қараган ҳолда, гарчи, Моликий мактаби буни талаб қилмаса-да.
- Туядан ташқари (бу наҳрни, *забҳдан* фарқли равишда, чап оёғини боғлаб туришни талаб қилади), барча ҳайвонлар бошларини юқорига кўтарган ҳолда чап томонида ётишлари керак.
- Ҳайвонга раҳм-шафқат қилиш ва қўпол муомала қилишдан сақланиш.⁹²

Сўйиш маросимларида қуйидагилар маъно (*макруҳ*) ҳисобланади:

- Ногирон киши томонидан сўйиш.
- *Тасмияни* тарк этиш, шофийлар ва баъзи моликийларга кўра *тасмия* қатъий амал қилинадиган ҳодиса бўлмасда, у фарз амали ҳисобланди.
- Ҳайвонни *қибладан* бошқа томонга қаратиш.
- Молларда *наҳр*, туяларда эса *забҳ*; оддий усулларни тескари тартибда қўллаш.
- Ҳайвоннинг бошини тўлиқ кесиш ёки бош суягини синдириш, ҳайвонни судраб олиб, бўйиннинг орқа қисмидан сўйиш каби оғриқни қўзғатиш.
- Хира ва яроксиз пичоқ билан сўйиш.⁹³

Макруҳ ва *ҳаром* ўртасидаги фарқнинг баъзи жиҳатлари ҳар доим ҳам тўғри баён этилмайди. Масалан, айрим диний уламолар *ҳаром* сўзини муболаға учун қўллаб юборишлари мумкин. Бундан эса албатта эҳтиёт бўлиш лозимдир, чунки Қуръоннинг оятларида аниқ қилиб: "Тилларингиз тўқиган ёлғонга асосланиб: "Бу *ҳалол*, бу *ҳаром*" деманглар[13]. Акс ҳолда, Аллоҳга ёлғон тўқиган бўласиз. Аллоҳга ёлғон тўқиганлар асло нажот топмайди", деб кўрсатма берилган. (*Наҳл* сураси, 16:166) "*Ал-Ҳалол ва ал-Ҳаром фи ал-Исло*" китобида (27-бет) ал-Қарадавий бунинг баъзи тафсилотларини муҳокама қилиб, фикҳ илмининг етакчи имомлари бирор нарсани *ҳаром* эълон қилишни жуда истамаганликларини айтишади. Фатвода бирор нарсани *ҳаром* қилишга фурсат етганда эса, уни *макруҳ* деб танладилар: "Бу бирор нарсани *ҳаром* эълон қилишдан ўзга жиддий нарса эмас".

Баъзи *ҳалол* тартиб-қоидаларида *ҳалол* ҳисобланмаган ҳайвонлар териси пок саналган. Бу Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган машҳур ҳадис – “тери қуритилса, у тозаланади”⁹⁴ орқали аён бўлган. Бу ҳадиснинг ҳукми умумий (*амм*)дир. Шунинг учун у “барча териларни, ҳатто ит ва чўчкани ҳам ўз ичига олади. Бу зоҳирий мазҳабининг позициясидир ва буни Абу Ҳа-

нифанинг шогирди Абу Юсуф ҳам қайд етган ва ал-Шавконий афзал кўрган”.⁹⁵ Қолаверса, тегишли китобларни кўриб чикқанимиздан ҳам якқол кўриниб турибди-ки, ўлган ҳайвон борасидаги шариат тақиқи овқатланиш билан чегараланганлиги ва унинг териси, шохи, суяклари ва сочларидан фойдаланишга тааллуқли эмаслиги, буларнинг барчаси рухсат этилган. Чунки, улар қийматли ва улардан яхши фойдаланиш мумкин.⁹⁶

УРФ-ОДАТНИНГ ЎРНИ

Умумий одат (*урф*, “*адоҳ*”) Ислом ҳуқуқшунослигида эътироф этилган ҳуқуқ ва ҳукм манбаи бўлиб, “соғлом табиатли кишилар учун мақбул бўлган такрорланувчи амалиётлар”⁹⁷ деб таърифланади. Ҳукм асоси, одат тўғри ва асосли бўлиши ва шариатнинг аниқ матни ёки тамойилига зид бўлмаслиги керак. Агар у шариатнинг аниқ буйруғига зид бўлса, бундай одат рад этилади, масалан, аёлларнинг мерос ҳуқуқини инкор этувчи баъзи қабилавий одатлар ёки илон ва маймун гўштини истеъмол қилувчи маҳаллий жамоалар шулар жумласидандир. Аммо матн ва одатлар ўртасида қисман зиддият юзага келган тақдирда, одат матнни аёнлаштириши мумкин. Удумнинг ҳақиқий ҳукми кўпинча одатий қоидалар ёки *қиёс* ҳукмидан устун бўлади.

